

# МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

# Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ГАЗЕТА



#35 (2121) | ЖУМА, 1 СЕНТЯБРЬ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Сергели туманидаги «Янги Бунёдобод» маҳалласига ташрифи ҳудудда яшовчи аҳолига катта қувонч бахш этди

## ЖАМИЯТДАГИ ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИДА МАҲАЛЛА ТАШАББУСКОР, ХАЛҚҚА ЕЛКАДОШ БЎЛИШИ КЕРАК

3

### ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ, ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛГАН «МАHALLA» ГАЗЕТАСИ ВА «МАHALLA KO'ZGUSI» ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!

ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ:

«МАHALLA» ГАЗЕТАСИ — 600 000 СЎМ;

«МАHALLA KO'ZGUSI» ЖУРНАЛИ — 400 000 СЎМ.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07

### «МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ» ФАҚАТ ҚОҒОЗЛАРДА ҚОЛИБ КЕТМАСА...



7

### «БЕШЛИК» НАЗОРАТИ РАИСДА БЎЛСА, ТАРҚОҚЛИК БАРҲАМ ТОПАРДИ»



8

### ҚЎШХОТИНЛИЛИКНИ «КЎЗ-КЎЗ» ҚИЛИШ «УРФ»ГА АЙЛАНЯПТИМИ?



14

# 38 нафар маҳалла фаоли Давлат мукофоти билан тақдирланди

**Ватанимиз** Мустиқиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони асосида 38 нафар маҳалла тизимининг қатор ходимлари ҳамда нурунийлар жамоатчилик кенгаши аъзолари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан:

## «Дўстлик» ордени билан

**Бекмуратов Арисланбай Жумамуратович** — Кегейли туманидаги «Жузимбағ» овул фуқаролар йиғинининг Бексийқ овули кўча бийи, Қорақалпоғистон Республикаси;  
**Науризов Қалбай Тогаевич** — Шуманай туманидаги «Мунчоқли» маҳалла фуқаролар йиғинининг Бузатов кўчаси бийи, Қорақалпоғистон Республикаси;

**Панаев Шернияз Ернйязович** — Кегейли туманидаги «Абат макан» маҳалла фуқаролар йиғинининг Е.Панаев кўчаси бийи, Қорақалпоғистон Республикаси;

**Толибеков Омирбек Арзибекович** — Чимбой туманидаги «Темирийул гузари» маҳалла фуқаролар йиғинининг Қияс жиров кўчаси бийи, Қорақалпоғистон Республикаси;

**Утегенов Узақбай Қазақбаевич** — Кегейли туманидаги «Абат макан» маҳалла фуқаролар йиғинининг Нурунийлар кўчаси бийи, Қорақалпоғистон Республикаси;

**Алимова Санобар Муқимовна** — Қўқон шаҳридаги «Артизон-бўйи» маҳалла фуқаролар йиғини отинийси, Фарғона вилояти;

**Бафоев Хайрилло Амонович** — Бухоро туманидаги «Кўчқўмар» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти;

**Носиров Рофе Зайниевич** — Ургут туманидаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти.



## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Мамирова Махбуба Рустамовна** — Жиззах шаҳридаги «Амир Темур» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Жиззах вилояти;

**Яхяева Саноат Шаюнововна** — Олмазор туманидаги «Хастимом» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри.

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Жумашова Камила Шаббадиновна** — Нукус шаҳридаги «Шимбай гузари» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

**Абдужалилова Зайнаб Аллакуловна** — Мирзаобод туманидаги «Боғистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти;

**Ахмедова Наргиса Газибаевна** — Зангиота туманидаги «Эски қалъа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти;

**Дехқонова Мўминахон Ахмадовна** — Бешариқ туманидаги «Бахмал» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти;

**Иброгимова Зулхумор Джуманиязовна** — Хива шаҳридаги «Сангар» маҳалла фуқаролар йиғини

раиси, Хоразм вилояти;

**Инамов Рустамали Уктамалиевич** — Мингбулоқ туманидаги «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти;

**Назарова Шахнозахон Усмоновна** — Андижон туманидаги «Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти;

**Сирожев Изомиддин Зайнидинович** — Ғиждувон туманидаги «Шўрча» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти;

**Солиева Мархабо Рахматовна** — Хатирчи туманидаги «Парахун» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти;

**Турсунов Отабек Тожиевич** — Шеробод туманидаги «Бойқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти;

**Ҳамроев Умирзоқ Атакулович** — Бахмал туманидаги «Гулбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти;

**Янгибоев Баходир Абдусаломович** — Китоб туманидаги «Яккатут» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти.

## «Шухрат» медали билан

**Аметова Жамила Жанибековна** — Кўнғирот туманидаги «Қорақалпоғистон» шаҳарча фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси,

Қорақалпоғистон Республикаси;

**Қадилов Бахрамбой Бабажанович** — Амударё туманидаги «Қиличбой» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

**Абдурафикова Насиба Алимовна** — Яшнобод туманидаги «Маърифат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри;

**Ботирова Мунираҳон Умаралиевна** — Қўқон шаҳридаги «Зилол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти;

**Исломов Шавкат Яхшибекович** — Фориш туманидаги «Хонбанди» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти;

**Қодиров Исмоил Шуқурович** — Миришкор туманидаги «Чаманзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти;

**Махкамова Нафосат Абдуллаевна** — Избоскан туманидаги «Урганжи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти;

**Муқомов Зокиржон Раимович** — Сирдарё туманидаги «Бешбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти;

**Нурмаҳматов Сайидали Маҳматқулович** — Музработ туманидаги «Ал-Ҳаким ат-Термизий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти;

**Рахмонова Барно Хайдара-**

**лиевна** — Пискент туманидаги «Оқтом» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти;

**Турабоева Муқадасхон Умаржоновна** — Тўрақўрғон туманидаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти;

**Хайдарова Хамро Едгаровна** — Когон шаҳридаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти;

**Шамурадова Мастура Каршибаевна** — Пахтачи туманидаги «Гулбод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти;

**Шодмонова Саида Нуриддиновна** — Ховос туманидаги «Оқчангал» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Сирдарё вилояти;

**Эшмуратов Дехкон Закирович** — Кармана туманидаги «Дўрман» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти;

**Юлдошев Қосимбой Ғайибназарович** — Урганч туманидаги «Уйшин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти.

**«Mahalla» gazetasi taхририяти jamoasi mukofotlanganlarini taхрирлаб, kelgusi faoliyatida ulkan muvaffaqiyatlar tilaydi.**

## МЕНДА САВОЛ БОР...

# «Обод маҳалла»га қачон овоз берамиз?»

Чори ТУРАНОВ,

Узун туманидаги «Дехқон» маҳалласи раиси:

— Ҳозирда «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг иккинчи мавсуми доирасида овоз бериш жараёнлари давом этмоқда. Аввалроқ эндиликда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ҳам айнан шу тарзда, яъни овоз бериш йўли билан танлаб олинishi айтилганди. Ҳўш, бу жараён қачон бошланади? Унда ҳам барча маҳаллалар қатнашиши мумкинми?



Элмурод ҚАРШИЕВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, дастурлар доирасида молиялаштирилган тадбирлар 2023 йилдан бошлаб, жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланади. Бунда лойиҳаларни шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёни — ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида ўтказилади.

Дастурлар доирасида ҳар бир маҳалла раиси номига порталда электрон рақамли имзо орқали рўйхатдан ўтувчи логин ва пароллар расмийлаштирилади. Маҳалла раиси ўзгарган тақдирда, уларга тақдим этилган фойдаланувчи аккаунтлари тўхтатилади ҳамда ўшбу лавозимга янги сайланган

раис номига бошқа фойдаланувчи аккаунти очилади.

Маҳалла раислари туман (шаҳар) сектор раҳбарлари, ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда, тегишли маҳалла (қишлоқ) фуқаролари билан бамаслаҳат ҳамда ҳудуддан сайланган депутатлар олдида ҳимоя қилинган лойиҳалар тўпламини ўзларига тақдим этилган логин ва паролдан ичида порталга киритади. Бунда тадбирларни шакллантиришда ҳар бир маҳаллани (қишлоқни) ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тегишли ҳудуддаги мавжуд имкониятлар, аҳолининг узоқ йиллар давомида шакланган салоҳияти, тадбиркорлик муҳити ва «ўсиш нуқталари» ҳамда ресурс ва техник имкониятлари инобатга олинади.

Ҳар бир маҳалла раиси бир йилда фақат бир мартаба битта лойиҳа тўпламини киритиш ҳуқуқига эга. Бунда фуқаролар

томонидан лойиҳалар тўплами шакллантирилишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир лойиҳалар тўплами таркиби камида учта тадбирлардан ташкил топган бўлиши лозим. Бундай бўлмаса, лойиҳалар автоматик равишда рад этилади.

Саралаш босқичидан ўтган лойиҳалар тўплами овоз бериш жараёнига ўтказилади. Бунда маҳалла (қишлоқ) фуқаролари тегишли ҳудуд бўйича илгари сурилган лойиҳалар портали ичидан ўзларини қизиқтирган тадбирларга овоз берадилар. Бир фуқаро фақат битта лойиҳалар тўпламига, бироқ ўшбу лойиҳалар тўплами таркибидаги бир нечта тадбирларга овоз бериши ҳуқуқига эга. Овоз бериш жараёни «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали SMS хизмати, «Telegram» ижтимоий тармоғидаги «махсус бот», шунингдек, порталнинг мобил иловаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

МУНОСАБАТ

## Жамиятдаги туб ўзгаришлар жараёнида маҳалла ташаббускор, халққа елкадош бўлиши керак

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Сергели туманидаги «Янги Бунёдбод» маҳалласига ташрифи ҳудудда яшовчи аҳолига катта қувонч бахш этди

Маҳаллалардаги ободлик, гўзаллик, қулай шарт-шароит ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, аввало, ташаббус ва маблағ зарур. Бугун Президент Шавкат Мирзиёев юртимиздаги ўзгариш ва ислохотларнинг ҳар бир маҳаллага кириб боришини истади. Бу ўринда истакнинг ўзи камлик қилади, бунинг учун етарли маблағ керак. Эътиборлиси, давлат раҳбари бюджетдан ажратиладиган маблағни маҳалла даражасида тақсимлашга эришди. Мутасаддиларни мана шундай вертикал ишлашга ўргатди. Натижаси эса бугун оиламизда, ҳовлимизда, кўчамизда, маҳалламизда сезилапти.

Мирзодил МАНСУРОВ,  
Сергели туманидаги «Янги Бунёдбод» маҳалласи раиси.



Куни кеча Президентимизнинг маҳалламизга ташрифи чоғида фаоллар, нурунийлар билан мулоқотнинг асосини муносиб турмуш даражасига эришиш масаласи ташкил қилди. Маҳаллада яратилган ноёб тизимнинг ўзига хос томонлари, аҳолини рози қилиш йўлида амалга оширилган лойиҳалар, иш ўринларини яратиш, бир сўз билан айтганда, энг кичикдек кўринган масаладан энг йиригигача муҳокама қилинди, ташаббуслар ўртага ташланди.

Шавкат Мирзиёев маҳаллаларнинг бугунги ислохотлардаги ўрни, «бешлик» фаолиятининг одамлар турмуш-тарзидаги аҳамияти, жа-

мятдаги ўзгаришларда маҳалла ташаббускор, халққа елкадош бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлари бизга ифтихор бағишлади. Қолаверса, давлатимиз раҳбари ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратишимиз зарурлиги, бунда, айниқса, нурунийлар, кексалар тажрибасига суянишимиз лозимлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, аҳоли турмуш даражасида маҳаллалардаги шароит, инфратузилма ва хизматлар сифати муҳим омил. Ислохотлар натижалари, ўзгаришлар ҳам, аввало, маҳаллада сезилади. Илгари одамлар муаммолар бўйича ҳокимиятга борарди, хатлар ёзарди.

Энди ҳар бир маҳаллада Президентнинг вакиллари бор. Энди улар хонадонларни ўрганиб, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашиш, ишсизларни касб-хунарга ўқитиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш бўйича ишларни самарали йўлга қўйган.

Маҳалламизда 6 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Ўсиш нуқтаси — хизмат кўрсатиш. 13 та кўп қаватли уй, мактаб, болалар ва ўсмирлар спорт мактабида барча шароитлар яратилган. Яқинда маиший хизмат шохобчалари, тикувчилик корхонасини ўз ичига олган иш маркази барпо этилди. Уларда маҳаллий ёшлар фойдали

меҳнат билан банд. Президент тикувчилик корхонасидаги аёллар билан суҳбатлашар экан: «Биз нима учун хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратамиз? Чунки бу оилага, фарзандларимизга, келажак авлодларимизга эътибордир», — деди. Айтиш керакки, корхона раҳбари аёллар тадбиркорлигига берилаётган имкониятлар туфайли янги ускуналар олган, фаолиятини кенгайтирган. Шу орқали ҳудуддаги ёшлар, аёллар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

«Маҳаллабай» ишлаш тизими натижасида ижтимоий муҳим масалалар ҳал этилмоқда. Жумладан, кўп қаватли уйларнинг қиёфаси ян-

гиланди, йўлаклар, коммуникация тармоқлари таъмирланди. Фуқаролар йиғини биноси замонавий қиёфага эга бўлди. Бу ерда кутубхона, тил ўрганиш тўғрисида ҳам бор. Қолаверса, маҳалла ҳудуди ободонлаштирилган. Уйин ва спорт майдончалари таъмирланган. Икки йилдан буён маҳалламизда биронта жиноят содир этилмаган.

Президентимиз халқимиз мана шундай обод, чиройли жойларда яшашга муносиблиги, ишларни «маҳаллабай» ташкил этаётганимиздан мақсад ҳам шу экани, энди бу ерда муҳит, кўни-қўшничилик, аҳиллик ҳам мустаҳкам бўлиши лозимлигини қайд этдилар.

ВАЗИЯТ

## «Хат-ҳужжатлар билан ишлайдиган ходим керак»

Маҳалла раиси сифатида 2019 йилдан бери ишлайман. Ўшанда сайловчиларнинг кўпчилиги овози билан бу лавозимда фаолият бошлагандим. Бугунги ўзгаришларни кўриб, қисқа даврда катта ишлар қилинганига гувоҳ бўляпмиз. Дастлаб иш бошлаган кезларимда, ҳатто маҳалла биноси йўқ эди. Бугун эса барча шароитларга эга бинода меҳнат қиляпмиз. 2022 йил «Ташаббусли бюджет»га мана шу лойиҳамизни қўйгандик. Кўп овоз тўплаб, ғолиб бўлдик. Натижада 300 миллион сўм маблағ эвазига янги биномиз қад ростлади.

Умиджон ХОЛМАТОВ,  
Ширин шаҳридаги  
«Дўстлик» маҳалласи раиси.

Бундан ташқари, ичимлик сув тармоғи қувурлари эски бўлгани учун 2022 йилда 4 300 метр масофадаги ичимлик сув тармоғи янгиланди. Кўчаларимиз тўлиқ асфальтланди. Ҳудудимизда 28 нафар тадбиркор бўлиб, улар иштирокида 60 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган. Йил охиригача яна 8 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини бошлайди. Маҳалламизда 15 та кўп қаватли уйлар бўлиб, 2 116 нафар аҳоли яшайди. 2019 йил охирида ўтказилган хатловда 200 нафардан ортиқ ишсиз рўйхатга олинганди. Бугунга келиб,

атиги 34 нафар ишсиз қолди. Уларни ишга жойлашда барча манбааларни ҳисобга оляпмиз. Масалан, шу кунларда «Акваповер» кўшма корхонаси ишга тушиши кутляпти. Сентябрь ойида 2 та блоги фаолият бошласа, бу ерда ҳам янги иш ўринлари пайдо бўлади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Асосий «драйвер»имиз — кичик тадбиркорлик ҳисобланади. Мисол учун, маҳалламизда 5 та новвойхона, 3 та гўзаллик салони, 4 та эркаклар сартарошхонаси, 6 та умумий овқатланиш шохобчаси, 8 та дориҳона, 5 та тикувчилик цехи бор. Уларнинг барчаси имтиёзли кредит эвазига енгил конструкцияли бинолар қуриб, фаолият бошлаган.



Иш бор жойда камчилик бўлади, деганларидек, кўп қаватли уйлар канализациясидаги муаммо бизни қийнаб келади. Муаммони бартараф этиш мақсадида тақлиф киритилди. Шу асосда янги тармоқ тортилди. Ваъда қилишларича,

жорий йил охирида бу тармоқ уйларга уланади.

Яна бир масала — маҳалла раисининг ҳужжат ишларини юритиш учун ходим жуда зарур. Чунки кундан-кун норматив ҳужжатлар ўзгариб, янги қонунлар чиқяпти.



Бу каби ҳужжат ишларини юритиш осон бўлмаяпти. Асосан, вақтимиз кўчада ўтгани учун фуқаролар мурожаатини вақтида кўриб чиқа олмаяпмиз.

НУҚТАИ НАЗАР

## «Работикалмоқ»: «Янги Ўзбекистон»нинг «Янги маҳалласи»



«Работикалмоқ» маҳалласи катта, бу ерда 7 та кишлоқ, 1 920 та хонадон, 9 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик — асосий «драйвер» соҳалардан. Ўтган йили маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида вилоятда намуна тариқасида «Работикалмоқ» маҳалласи танлаб олиниб, йиғинда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Умуман олганда, одамлар кўз ўнгидеги шинам, файзли, намунали бир гўша бунёд бўлди.

**Раҳим ЖУМАЕВ,**  
Бухоро туманидаги  
«Работикалмоқ» маҳалласи  
раиси.

Бир чеккадан айта қолай. Фуқаролар йиғинининг ўтган асрнинг 80-йилларида қурилган биноси меъморий жиҳатдан буткул янгича қиёфага келтирилди. Бунда мазкур маҳаллани «Янги Ўзбекистон»нинг «Янги маҳалласи» сифатида аҳолини жиплаштирадиган, уларнинг муаммоларига ечим топиши билан бир қаторда, бой тарихдан дарак берувчи ҳамда маданий ҳордиқ чиқарадиган маскан сифатида янгилашга киришилди. Натижада янгича шакл ва мазмундаги маҳалла маркази қад ростлади. Эйтиборлиси, маҳалла биносида ҳудуднинг ўзига хос анъана ва қадриятларини келгуси авлодларга етказиш мақсадида Ўзбекистон тарихида

биринчи мартаба нодавлат музей ташкил этилиб, Адлия вазирлигида рўйхатга олинди.

Шунингдек, ота-оналарнинг талаб ва истакларига асосан, маҳалла биносида халқаро талабларга мос жиҳозланган алоҳида шахмат тўғараги хонаси ташкил этилди. Мажмуада ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2-сектор штаби ва ҳуқуқ-тартибот маскани жойлаштирилди ҳамда жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида 40 та замонавий видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

**Қуйи тизимдаги манзилли ишлар натижаси маҳалламизда намоеён — тадбиркорлик ривожланиб, иш ўринлари кўпаймоқда.** Хусусан, илгари фойдаланилмай ётган майдонда тикувчилик корхонаси барпо этилди. 30 нафардан ортиқ хотин-қиз ўз маҳалласида ишли бўлди. Яқинда иш бошла-

ганига қарамай, корхона 100 мингта трикотаж маҳсулотлари учун буюртма олган. Шу билан бирга, тикувчилик кооперацияси ташкил этилган. Эйтиборлиси, «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»даги 20 нафар ишсизларга бепул тикувчилик машинаси ажратилиб, кооперация аъзоллигига қабул қилинди. Қолаверса, маҳалла ҳудудида 6,2 гектар майдонда ташкил этилган кичик саноат зонасида қатор бизнес лойиҳаларининг рўёбга чиқарилиши ортидан 200 га яқин иш ўрни яратилди. Бу билан маҳалламиз «ишсизликдан холи ҳудуд» мақомига эга бўлди.

**Ободлик, бунёдкорлик ташаббуслари туфайли ҳудуднинг қиёфаси ҳам бутунлай ўзгарди.** Маҳаллада 50 ўринли янги хусусий мактабгача таълим ташкилоти иш бошлади. Бу билан кўплаб ота-оналар, боғча ёшидаги бола-жонларнинг азалий орсуси ушалди. Аҳолининг бўш вақти мазмунли ўтиши учун «Оталар чойхонаси», кутубхона, спорт майдончаси, ҳаммом ва хиёбонлар ташкил этилган. «Тадбиркорлар хиёбони» қад ростлаган.

Хонадонларни муқобил энергия билан таъминлаш мақсадида аҳоли ўртасида ўтказилаётган тарғибот тадбирлари ўз самара-



сини бермоқда. Жумладан, мутахассислар, банк ходимлари билан ҳамкорликда битта кўчадаги 78 та хонадон эгалари билан ўтказилган тарғиботдан кейин 34 та хонадон эгалари қуёш панеллари ўрнатиш истагини билдирди. Ҳозирда шу хонадонларга қуёш панеллари ўрнатиш ишлари бошланган. Эҳтиёждан ортиқ ҳар бир киловатт электр энергияси 1000 сўмдан давлат томонидан сотиб олиншини эшитган фуқароларда қизиқиш янада

ортган. Тарғибот ишларини давом эттирган ҳолда, йил охирига қадар камида 200 та хонадонга қуёш панеллари ўрнатиш режалаштирилган.

**Умуман олганда, бугун маҳалламиздаги ўзгаришлар фақатгина маъмурий бино-иншоотларда эмас, ҳар бир кўчада, ҳар бир ойда юз бермоқда.** Файз-барака ҳар бир хонадонга кириб борди. Аёллар, ёшлар ишли бўлди. Энг муҳими, боқимандалик кайфияти ўрнини тадбиркорлик руҳи эгаллади.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

## 15 ёшга тўлмаганлар ишласа бўладими?

**Шухрат АҲМАДАЛИЕВ,**  
Чилонзор туманидаги «Хонўпи» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда яшовчи 15 ёшга тўлмаган икки нафар болани телевидение ишга чақиряпти. Улар болаларга мўлжалланган кўрсатувга бошловчилик қилади. Айтингчи, бу вазиятда Меҳнат кодекси қоидалари бузилмайдими? Агар шартнома имзолаш имкони бўлса, бу қандай амалга оширилади?



**Фаҳриддин ҲАЙИТОВ,** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 24 августдаги «Маданият, спорт ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори билан айрим йўналишларда 15 ёшга тўлмаганлар ишлаши мумкин бўлган касб ва лавозимлар рўйхати тасдиқланган. Унга кўра, ўн беш ёшга тўлмаган болалар эндиликда меҳнат шартномаси бўйича ишга қабул қилиниши мумкин.

Ҳукумат қарори Меҳнат кодексининг 118-моддаси асосида қабул қилинган. Ушбу моддада маданий-томоша ташкилотларида, телевидение, радиоэшиттириш ташкилотларида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида соғлиғига ва маънавий камол топишига зиён етказмасдан асарларни яратиш ва (ёки) ижро этишда иштирок этиш учун ўн беш ёшга тўлмаган шахслар билан меҳнат шартномасини

тузишга йўл қўйилиши назарда тутилган. Шунингдек, ўн беш ёшга тўлмаган профессионал спортчилар расман ишга қабул қилиниши мумкин.


Тасдиқланган иш, касб ва лавозимлар рўйхатига экскурсовод, артист, хунарманд, маъмур, расом-фотограф, компьютер графикаси оператори, телеоператор, монтаж устаси, грим устаси, суфлёр, каскадёр, цирк артисти, киноактёр, аниматор, фотограф, альпинист-тозаловчи, спортчи, мураббий, кийим-кечак конструктори, флорист, дискотека бошловчиси ва бошқалар киритилди.

Ўн беш ёшга тўлмаган ходим номидан меҳнат шартномаси унинг ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахс) томонидан имзоланади. Ота-оналарнинг розилигидан ташқари, васийлик ва ҳомийлик органидан ҳам рухсат олиш керак. Рухсатномада ўн беш ёшга тўлма-

ган бола ишлаши мумкин бўлган ҳар кунлик ишнинг энг кўп йўл қўйиладиган давомийлиги ҳамда иш бажарилиши мумкин бўлган бошқа шартлар кўрсатилади.

Эслатиб ўтаимиз, аввалроқ 18 ёшга тўлмаганлар ишлаши мумкин бўлмаган касблар рўйхати эълон қилинган. Ушбу рўйхатда тўрт мингдан ортиқ касблар мавжуд. Новвой, хамир қорувчи, гўшт маҳсулотлари кесувчи, музқаймоқ тайёрловчи, наққош шулар жумласидан. Ўсмирни ишга қабул қилишдан аввал иш берувчи, биринчи навбатда, мўлжалланаётган ишнинг мазмуни ва табиатини аниқлаши ва унинг оғир иш ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ўсмирларнинг меҳнати тақиқланган зарарли ёки хавфли меҳнат шароитлари билан ишлаш рўйхатига киритилганми-йўқми, текшириши керак.

## МИНБАР



## МЕНДА САВОЛ БОР...

**Кодиржон ТУРСУНОВ,**  
Жомбой тумани «Зарафшон»  
маҳалласи раиси:

— Яқинда маҳалламизда яшовчи йигит юрагида жарроҳлик амалиётини ўтказди. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлгани учун турмуш ўртоғи ҳар куни ёнида

бўлмоқда. Шу боис ишга чиқа олмаяпти. Бу вазиятда унга меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси бериладими?

## Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси кимларга берилади?

**Лазизбек ҚАРШИЕВ,** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги Иўриқноманинг 31-бандига кўра, амбулатория шароитида парваришга муҳтож бўлган ўн тўрт ёшдан катта беморни парваришга учун етти календарь кунидан ошмаган муддатга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.

Ушбу ҳолатда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бемор билан бирга яшаш ёки яшамаслиги ҳамда меҳнат таътилида эканлигидан қатъи назар, беморнинг оила аъзолари ёки қариндошларидан бирига берилади.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-бандига асосан касалланган оила аъзосини парваришга зарур бўлганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилиши ҳамда ушбу Низомнинг 10-бандига кўра, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат белгиланган тартибда берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади.

Мазкур Низомнинг 26-бандига биноан қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорларда тўланади.

Мазкур Низомнинг 28-бандига кўра, 26- ва 27-бандларида назарда тутилган ходимлардан ташқари қолган ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

- умумий иш стажы 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдоридан;
- умумий иш стажы 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдоридан.



ФИКР



## «Маҳсулотни қайта ишласак, иш ўрни кўпаярди»

«Очиқ бюджет» лойиҳаси орқали жойларда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга ечим топишда жамоатчилик бюджет жараёнининг фаол иштирокчисига айланыпти. Бунинг ёрқин мисолини маҳалламиз фаолиятида кўриш мумкин. 6 656 нафар фуқаро яшайдиган ҳудудимиз муаммолари айнан «Ташаббусли бюджет» орқали ҳал бўляпти.

**Аброр АЛИМОВ,**  
Ғаллаорол туманидаги  
«Кўкғумбаз» маҳалласи раиси.

Қувонарлиси, Жиззах вилоятидаги маҳаллалар ичида лойиҳа ғолиблиги бўйича етакчимиз. Мисол учун, ўтган вақтда 4 та таклифимиз ғолиб бўлди. Жумладан, Қоронғул ва Бахмалсой қишлоқларини асфальтлаш, Заргар қишлоғига спорт зали қуриш, Қоронғул қишлоғига 3,5 км.лик масофада ичимлик сув тармоғи олиб келиш, 2 та сунъий майдон барпо этиш бўйича керакли маблағларни ютиб олдик.

Ҳеч муболағасиз, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси маҳаллалар-

га зўр имконият бўлди. Бундан ташқари, ёшларимиз «Беш ташаббус» спорт мусобақаларида ғолиб чиққани учун ҳудудимизга универсал спорт майдончаси қуриб берилди. Умуман, бизда барча соҳалар тенг ривожланмоқда.

Асосий «драйвер»имиз — деҳқончилик ва чорвачилик. Аксарият аҳолининг даромади шу соҳалардан. Охирги хатловда 89 нафар ишсиз рўйхатга олинган. Ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда уларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўрдик. Шу мақсадда маҳалламизда лидер тадбиркор Олимхон Баҳромовга 200 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олишда кўмаклашдик. Тадбиркор бу малбағ ҳисобидан катта магис-

трал йўл ёқасида бозорча ташкил қилди. Бу ерда 70 нафар ишсиз банд бўлди. Савдо дўконлари эҳтиёжмандларга бепул фойдаланишга берилди. Барчаси яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтди.

Бундан ташқари, 4 та музлатгич қурдик. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган бўлиб, 4 нафар тадбиркорга 50 миллион сўмдан кредит олишда кўмаклашдик. Муҳими, мана шу музлатгичларда иш юритиш учун 2 тадан янги иш ўрни яратилди.

Аммо бир мулоҳазани ўртага ташламоқчиман. Яъни ҳудудимизда юқорида айтганимдек, деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилади. Ҳосилни қўшни вилоятлардан харидорлар олиб кетишади. Агар маҳалламизда қайта ишлаш корхонаси ташкил этилса, одамларимиз хомашёни ўзимизда тайёр маҳсулотга айлантирарди. Бу билан яна юзлаб янги иш ўрни яратиларди.

## БИЛАСИЗМИ?

## Никоҳ тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик бор

**Қонунчиликка мувофиқ, никоҳ ёши қараклар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланади.**

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомилдорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра тегишли туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан 1 йилга камайтириши мумкин.

Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш маъмурий жавобгарлик сабаб бўлади.

Хусусан:

- никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш 1,5 млн сўмдан 3 млн сўмгача;
- ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш 2,1 млн сўмдан 4,5 млн сўмгача;
- никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш 3 млн сўмдан 6 млн сўмгача миқдорда жарима солишга



сабаб бўлади.

Ушбу ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин такроран содир этиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

## Қандай даромадлар солиққа тортилмайди?

**Янги таҳрирдаги солиқ кодексида кўра, бир қатор даромадлар солиққа тортилмаслиги белгиланган.**

Жумладан, илм-фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ҳамда

санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари, яқин қариндош бўл-

маган шахслар ўртасидаги кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, қимматли қоғозлар, юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушлар солиққа тортилмайди.

## Ўзбошимчалик билан уланганлик учун жарима мавжуд

**Қонунчиликка кўра, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш**

**асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш:**

— фуқароларга БҲМ-нинг 10 бараваридан 15 бараваригача;

— мансабдор шахсларга эса 20 бараваридан 25 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



## «Ишсизликни тугатиш имконияти кўп»

**А**вваллари маҳалламиз ўта оғир тоифадаги ҳудудга кирарди. Кўчалар тупроқли бўлиб, қишда лой, ёзда чангдан азият чекардик. Ҳозиргача 5 минг 600 метр масофадаги кўчаларимиз шағалланди.

**Илҳомжон ҲАСАНОВ,**  
Ёзёвон туманидаги  
"Чўлгулистон" маҳалласи  
раиси.

«2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига кўра, 1 800 метр йўлларимиз асфальтланди. Бундан ташқари, фаолиятимиз давомида эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериб келяпмиз. Масалан, бир нафар боқувчиси йўқ, уй-жойга муҳтож фуқарога уй-жой куриб бердик. Жами 56 нафар эҳтиёжманд маҳалладошимизга ҳомийлик ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатдик. Икки нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг хатна тўйини ўтказдик.

2022 йил июнь ойида ўтказилган хатловда 207 нафар ишсиз аниқланган эди. Шу масалада ҳоким ёрдамчиси билан аниқ чоралар белгилаб

олдик. Натижада бугунга келиб рўйхатда 63 нафар ишсиз фуқаро қолди. Уларнинг 100 нафардан ортиғини ички имкониятимиздан келиб чиқиб, хонадонига иссиқхона куриб бердик. Бу билан камида 2 нафардан фуқаро ишли бўлди. Қолган 63 нафарнинг бандлигини таъминлашга имкониятимиз етарли. Масалан, туман марказида иш бошлаган тикувчилик корхонасига аёлларни ишга жойлаштирмақчимиз. Асосий «драйвер»имиз – лимончилик бўлгани учун юқорида айтганимдек, 100 дан ортиқ хонадонларда шу йўналишдаги иссиқхоналар курилди. Бундан ташқари, лидер тадбиркоримиз хоҳловчиларга 56 та иссиқхона куриб берди. Эътиборлиси, лимон кўчатлари билан ҳам ўзи таъминлади.

Жорий йил охиригача бу тадбиркор меваларни сақлаш учун совутгич ўрнатмоқчи. Агар режа амалга ошса, маҳаллада етиштирилган меваларнинг қабули ўзимизда бўлади. Бу билан камида 10 та янги

иш ўрни яратилади. Ҳозир ҳудудда 16 та тадбиркорлик субъекти бор, яна 5 та тадбиркорлик субъекти иш бошлаш арафасида.

Маҳаллада ишсизликни олдини олиш учун имкониятлар кўп. Масалан, бўш турган бинолар анча. Аммо уни олиб қўйган фуқаролар бирор мақсадда фойдаланмаяпти. Аниқ бизнес режаси билан мурожаат қилган талабгорларга эса жой топилмаяпти. Ҳудудимизда дам олиш масканига эҳтиёж бўлиб, ҳозирда шу масалани ижобий ҳал этиш режасини тузаяпмиз. Яъни зиёратгоҳини ёнида 70 сотих бўш ер майдони бўлиб, шу ерга дам олиш маскани куриш режалаштирилган.

Ҳудудимизда бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, ичимлик сув, газ масаласи узоқ йиллардан бери аҳолини қийнаб келади. Муровват, Увайсий, Чўлгулистон, Гулшан, Бой тўпи кўчалари сув тармоғига уланмаган. Сув сақлаш минораси йўқ. Бу бўйича туман мутасаддиларига мурожаат қилганмиз. Аммо натижа бўлмапти. Шунингдек, 10 км. дан ортиқ кўча асфальт қилиниши керак.

**БИЛИБ ОЛИНГ!**

## 5 ёшгача болаларга йўл ҳақи тўланмайди

**Й**ўловчи ўзи билан бирга йўловчи ташиш поездидида йўл ҳақи тўламасдан 5 ёшгача (жўнаш вақтига ёши тўлгани ҳам) битта болани алоҳида жой берилмасдан олиб юриш ҳуқуқига эга. 5 ёшгача болага чипта расмийлаштириш йўл ҳақи тўламасдан ота-оналар бирининг чиптасига асосан амалга оширилади.

Йўловчи билан биттадан ортиқ 5 ёшгача болалар кетаётган бўлса, улардан бири йўл ҳақи тўланмасдан, қолганлари – тариф қийматидан 50 фоиз чегирма билан алоҳида жой такдим қилиниб ташилади.

5 ёшдан 10 ёшгача болаларга ҳам тариф қийматидан 50 фоиз чегирма билан алоҳида



жой берилади.

10 ёшдан ошган болалар учун чипталар катталар сифатида сотиб олинади.

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**Дилмурод РУСТАМОВ,**  
Мингбулоқ туманидаги  
«Яккатол» маҳалласи раиси:

– Маҳалла фаолиятида кўп ҳолларда алимент ундириш билан боғлиқ низоларга дуч келяпмиз. Жумладан, эр-хотин алимент ундириш бўйича судлашишга боради. Аммо аксарият аёллар судга ариза беришда давлат божи тўлашга имконсиз. Айтинг-чи, шундай вазиятда улар бепул ариза топширса бўладими?



## Алимент ундиришда судга ҳақ тўламаса бўладими?

**Сарварбек МАМАДИЕВ,**  
Чилонзор тумани суди судьяси:

– Албатта, бўлади. Бу каби низоли ҳолатлар «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга асосан тартибга солинади. Қонуннинг 8-моддасига биноан, фуқаролик ишлари бўйича судларда давлат божини тўлашдан озод қилинганлар рўйхати келтирилган.

Унга кўра:  
– иш ҳақини ундириш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;  
– алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;  
– меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;  
– қонунга хилоф равишда ҳукм

этанлик, жиноий жавобгарликка тортганлик, маъмурий жазо берганлик туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

– жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;  
– юридик ва жисмоний шахслар – давлат ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан;  
– истеъмолчилар – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан.

Гувоҳи бўлганингиздек, нафақат алимент, балки юқоридаги рўйхатга киритилган бошқа тоифадаги низолар бўйича ҳам судга ариза берилса, давлат божи тўланмайди.

**БИЛАСИЗМИ?**

## Ногиронлиги бўлган шахсларга қандай имтиёзлар берилган?

**Н**огиронлиги бўлган шахслар учун бир қатор имтиёзлар жорий қилинган. Жумладан, ОТМда давлат гранти асосида қўшимча қабул квотаси ажратилади, ногиронлиги бўлган шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди.



I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ДХМ ва (ёки) ЯИДХП орқали хизмат кўрсатишда 50 фоиз миқдорда чегирма қўлланилади. Жамоат бирлашмалари раҳбарларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди. Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар, 18 ёшдан катта болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа тайинлашда давлат хизматлари бепул кўрсатилади.

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар болаларини давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда имтиёзли рўйхатга киритилган.

Тегишли тиббий хулоса асосида муҳтож шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари берилади. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари I ва

II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулк 60 квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади. Меҳмонхоналарда бундай шахслар учун алоҳида шароитга эга хона ташкил этилади. Хизмат турар жойларида яшаётган I ва II гуруҳ ногиронлари хизмат уйидан бошқа турар жой берган ҳолда кўчирилади. Ногиронлиги бўлган ёшларга БҲМнинг 50 бараваригача (15 млн сўмгача) субсидия ажратилади.

Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилган бассейнларда шуғулланиш ва улардан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган болалар тўловдан озод этилади.

Болалиқдан ногирон бўлганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг МҲТЭМнинг 3 баравари миқдоридидаги маблағлари даромад солиғига тортилмайди.



ХОЛАТ



## «Маҳалла бюджети» фақат қоғозларда қолиб кетмаса...»

**Маҳалламиз туман марказига яқин ҳудудда жойлашган. Саноат зонаси ҳисобланамиз. Тўлиқ ҳовли уйлардан иборат битта кўча ва 13 та кўп қаватли уй бор. Ҳудудда 10 дан ортиқ катта-кичик ишлаб чиқариш корхоналари, цехлар фаолият юритади. Ишсизлик муаммоси деярли йўқ ҳисоби. Аксарият аҳоли ушбу корхоналарда меҳнат қилса, айримлари хизмат кўрсатиш соҳаларида банд. Умуман олганда, бандлик яхши таъминлангани ҳисобига миграция билан боғлиқ муаммолар йўқ.**

**Гулсал ҲАЗРАТҚУЛОВА,**  
Жарқўрғон туманидаги  
«Пахтазавад» маҳалласи раиси.

**Маҳалламизнинг «драйвери»** — темирчилик, аравачилик, печкачилик ҳисобланади. Шижоат кўча-миздаги 32 та хонадоннинг барчаси шу касб билан шуғулланади. Шунинг ортидан уй кураётган, машина олаётган, тўй қилаётганлар кўп. Ўз навбатида, уста хунармандлар билан «устоз — шогирд» аънаси яхши йўлга қўйилган. Кўплаб ёшларимиз бугун шу хунар сир-асрорларини кунт билан ўзлаштирмоқда.

**Кўп йиллардан буён йўлнинг таъмирталлаблани қийнаб келарди.** Катта корхоналарга йирик ҳажмдаги автомашиналарнинг келиб-кейтиши йўлларимизга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Тегишли таш-

килотларга мурожаат қилдик, ички кўчаларга шағал ётқизиш беришди. Яқинда яна 2 километр масофада асфальтлаштириш ишлари бошланади. Сув масаласида муаммолар йўқ, барча хонадонлар оби-ҳаёт билан таъминланган. Фақатгина 10 та хонадонга сув етказиб бериш учун қувурлар янгиланади. Иккита кўчага пиёдалар йўлакчаси қуриш бўйича ҳокимликка, тегишли ташкилотларга таклиф киритганмиз. Навбат асосида бу масала ҳал бўлишини айтишди. Кутяпмиз.

**Йиғинимиз фаолиятига тўхталсам,** масул котиб штати тугатилгач, очиги, иш ҳажми ортгани ҳисобига барча ишга улгурмаётгандик. Яхши-ки, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси штати ажратилди. Олдинлари битта кредит ажратиш ёки аҳоли бандлигини таъминлаш учун ҳам раис югури-

шига тўғри келарди. Гоҳида биргина ёшлар масаласида кунлаб туман марказида қолиб кетардик. Эндиликда «бешлик» вакиллари айни масалаларда кўмакчи бўлмоқда.

**Фаолиятимизда бизни ўйантираётган айрим жиҳатлар ҳам бор.** Биласиз, Жарқўрғон тумани «Маҳалла бюджети» тизими бўйича тажриба сифатида танлаб олинган. Синовлар йил бошида бошланган бўлса-да, ҳозиргача бирор марта ҳисобимизга пул маблағи ўтказиб берилмади. Қолаверса, аҳолидан солиқ йиғиш тўлиқ маҳалла зиммасида қолиб кетди. Одамларнинг аксарияти нақд пул беради, уларни солиққа олиб бориб топшириш керак. Бу ҳам ўз навбатида ишимизга қўшимча юклама бўляпти.

Истардикки, янги тизим асосида бошланган ишлар шунчаки ҳужжатларда қолиб кетмасин. Йил бошида туманимизда мазкур тажриба синовдан ўтишини билиб қувонгандик, ўзимизча маҳалла ободлиги бўйича режалар ҳам тузиб қўйгандик. Бироқ ҳозирча натижа бўлмади. Масъуллардан сизлар орқали бўлса-да, жавоб кутамиз.

### БИЛАСИЗМИ?

## Қандай тоифадаги аёлларга контракт тўлаб берилади?

**Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган хотин-қизлар давлат ОТМлари бакалавр босқичида контракт асосида ўқиганида, уларнинг контракт тўловлари ҳокимликлар томонидан тўлаб берилади.**

**Хусусий университетда ўқиётганлар контракт ҳам тўлаб бериладими?** Йўқ, иккинчи мутахассисликда ёки Ўзбекистондаги хорижий, хусусий ОТМларда ўқиётган хотин-қизларнинг контракт тўлаб берилмайди. Шунингдек, контракт тўлаб бериладиган хотин-қизларлар сони чекланган ва бу ижтимоий мезонлар асосида аниқланади. Бунда ҳар бир вилоятдан жами 150 нафар хотин-қизлар контракт тўлаб берилади, уларнинг 40 нафари 1-курс учун, 100 нафари 2- ва ундан юқори курс учун.

**Хотин-қизлар қандай мезонлар асосида аниқланади?** Кон-

тракт «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да кам таъминланган деб эътироф этилган оилалардаги, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган, боқувчисини йўқотган (турмуш ўртоғи вафот этган), вояга етмаган фарзандларни ёлғиз тарбиялаётган эҳтиёжманд аёлларга тўлаб берилади.

**Кимга, қачон мурожаат қилиш керак?** Хотин-қизлар контрактини тўлаш учун аризани «мандат» эълон қилинган кундан бошлаб аризани 10 кун ичида ОТМ қабул комиссиясига бериши керак. Аризага ҳеч қандай хотин-қизлар рўйхатини шакллантириб 5 кунда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига юборлади. Вазирлик 5 кунда рўйхатни ўрганиб чиқиб, хотин-қизларнинг яшаш жойларидаги ҳокимликларга юборлади

Ҳокимликлар хотин-қизларни танлаб олиш учун комиссия тузади. Комиссия 5 кунда рўйхатдаги ҳар бир хотин-қизларнинг яшаш жойига бориб шароитини ўрганади. Комиссия асосида рўйхатдан 150 киши танлаб олинади. Саралаб олинганлар рўйхати Оила ва хотин-қизлар кўмитасига юборилади ҳамда кўмита 10 кунда тавсиянома тасдиқлаб ҳокимликларга қайта юборлади.

**Ўқишдан ҳайдалса нима бўлади?** Хотин-қизлар ўқиш жойини ёки таълим йўналишини ўзгартирса, шунингдек талабалар сафини четлаштирилса, контракт бўйича имтиёз бекор қилинади. Ҳокимликлар танлаб олинган хотин-қизларнинг контрактини ҳар чорак якунигача 4 га бўлиб тўлаб беради. Хотин-қизлар комиссия фаолиятдан норози бўлса, судга мурожаат қилиши мумкин.

### МАНЗАРА

## «Фаолларга рағбат ва имтиёзлар берилса...»



**Анча йилдан буён маҳалла тизимида фаолият юритаман. Бу давр ичида касбим тақозоси билан турли вазиятларга, турли хулқ-атвордаги одамларга, ҳар хил муаммоларга дуч келганман. Барчасини имкон қадар қонуний ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз.**

**Бектош МИРЗАЕВ,** Ургут туманидаги  
«Қорабулоқ» маҳалласи раиси.

**Йиғинимизда 4 560 нафар аҳоли истиқомат қилади, 12 та кўча мавжуд.** Маҳаллада арзимас, маиший кичик тортишувлар, айрим ҳолларда ёшларнинг бебошлиги сабаб келиб чиқувчи тушунмовчиликлардан ўзга муаммо йўқ. Оилавий ажралишлар уч-тўрт йилдан буён кузатилмайди. Оилавий келишмовчиликларнинг аксариятини ажралиш даражасигача олиб чиқмаймиз. Бунда ота-оналар масъулиятини оширишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки бугунги келин-куёвлар гоҳида ёшлигига бориб, кичкина тортишув бўлса ҳам ажралиш пайига тушишади. Шундай вазиятда катталар масъулиятни бўйнига олиши, ёшларга тушунтириши, керак бўлса, тергаб қўйиши керак. Шундагина оилалар бахтли ҳаёт кечиришади.

**Катта ютуқларимиздан бири** — жиноятчилик мутлақа рўйхатга олинмаган. Иккита мактаб, учта мактабгача таълим муассасаси болажонларимиз ихтиёрида. Ҳозирда боғча билан қамраб олинмаган болалар сони 200 нафардан ошади, шунга кўра, ҳудудда иккита болалар боғчасига эҳтиёж бор. Буни давлат-хусусий шериклик ва оилавий боғча шаклида ҳал этиш режалаштирилган.

**Маҳалладаги бугунги манзарага тўхталсам,** биргина жорий йилнинг ўзида 2,5 километр йўлларимизга асфальт ётқизилди. 15 та ичимлик сув артезиани қазилди. Шу билан бирга, 35 нафар фуқарога субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди, хонадонига қуёш панеллари ўрнатилди ва чорва моллари тақдим этилди. Яна 51 нафар фуқаро турли йўналишларда имтиёзли кредит олишига кўмаклашилди. Уларнинг 15 нафарини аёллар ташкил этади. Ҳудудда 6 та тадбиркорлик субъекти иш бошлади. 40 тадан зиёд оилага моддий кўмак кўрсатилди, 11 нафар ижтимоий дафтарларда турувчи фуқароларга уйини таъмирлаш учун қурилиш материаллари олиб берилди.

Олдимизга қўйган режаларимиз, мақсадларимиз ҳали кўп. Жумладан, жорий йил ҳисобидан маҳалладаги эски симёғочларни янгисига алмаштириш, 2 та янги трансформатор ўрнатиш, 5 километр ички йўлларимизни асфальт қилиш ва юқорида қайд этганим — иккита болалар боғчасини ишга тушириш кўзда тутилган. Бу жараёнларда ҳокимлик, сектор раҳбарлари ва, албатта, маҳалладошларимизга суянамыз.

**Маҳалла ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш** бўйича таклифим бор. Иш вақти белгиланмаган, 24 соат халқ хизматида бўлган фаоллар турли кўринишдаги рағбатларга муносиб, деб ўйлайман. Биргина санаторийларга йўлланмалар сони оширилса, кўчабоши ва уйбошиларни муносиб рағбатлантириш тизими йўлга қўйилса, шаҳарлараро қатновчи поезд ва автобусларда юриш учун имтиёзлар берилса, ўйлайманки, бу иш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

**Яна бир таклифим:** кўча кутубхоналарни ташкил қилиш юзасидан бўлади. Менимча, бир-иккита маҳаллани ҳисобга олмасак, деярли барча ҳудудларда кутубхонага эҳтиёж бор. Бу бўшлиқни тўлдириш мақсадида мослаштирилган автобус ёки «фургон»ларда янги китобларни олиб келиб тарқатадиган ва бир муддатдан сўнг йиғиб олиб, бошқа ҳудудларга кетадиган мобил кутубхоналар ташкил этилса, аминманки, талабгорлари кўп бўлади.

**Ўтган йили Президентнинг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида маҳалламизда 4,9 километр масофада тоза ичимлик сув кувурлари ётқизиблиб, 228 та ичимлик сувга муҳтож хонадоннинг оби-ҳаётга бўлган эҳтиёжи қондирилди. 30 тонна сифимга эга сув иншооти куриб берилди. Таъмирталаб, носоз ҳолга келиб қолган ички йўлларимиз асфальтланди.**

**Жаҳонгир ДУШАБОЕВ,**  
Ўрта Чирчиқ туманидаги  
«Гулбод» маҳалласи раиси.



Ўз навбатида аҳоли яратилган шарт-шароитларга бир четда жим қараб тургани йўқ. Аҳоли кўпайиши билан электр энергиясига бўлган эҳтиёж ортиб бораётгани боис ҳашар йўли билан ҳомийларни жалб қилган ҳолда ҳудудда 250 киловатт кучлинишга эга янги трансформатор ўрнатилди. Одамларнинг электр энергияси билан боғлиқ муаммолари ташаббускорлар кўмагидан бартараф этилди.

Ҳудудда 332 та хонадонда жами 1 682 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий даромади чорвачилик ва деҳқончилик ортдан, рўзгорининг қам-кўстини ҳам шундан бутлайди. Йиғинда ишсиз фуқаролар йўқ. Ҳамма ўзини ўзи банд қилган. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларга ҳар томонлама кўмаклашиб келяпмиз.

Улардан бири ўз маблағи эвазига уйдан мўъжазгина болалар

## «Бешлик» назорати раисда бўлса, тарқоқлик барҳам топарди»

боғчаси очиб, маҳалладаги 3 кишини доимий иш билан таъминлади. Ҳозирда яна бир тадбиркор йиғинда 100 ўринли болалар боғчаси қуряпти. Бу билан маҳалладаги 10 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминламоқчи. Биз ҳам бир чеккада қараб турганимиз йўқ, тадбиркорга қўлдан келганча кўмак беряпмиз.

Бундан ташқари, Чароғон кўчасида истиқомат қилувчи Моҳинур Бўтабоева ҳамда Лобар Саидхўжаева имтиёзли кредит эвазига тикув машиналари олиб, ўз уйларида чеварчилик фаолиятини йўлга қўйди.

«Ёшлар дафтари»даги йигит-қизлар билан тизимли ишлар олиб бориляпти. Шодиёна кўчасида истиқомат қилувчи Абдурахмон Меҳриева ва Бодомзор кўчасида яшовчи Умиджон Эрматовга мотокультиватор олиб берилиб, ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашилди. Умуман, аҳоли қўлай шароитларда яшаши учун туну кун ҳаракат қиляпмиз.

Йиғин фаолиятига тўхталадиган бўлсам, юқоридаги ишлар «бешлик» билан ҳамкорликда амалга ошириляпти. Бироқ бизни қийнаётган бир жиҳат бор. Яъни

маҳалла ходимлари ишга ўз вақтида келмаслиги, уларнинг назорати, «келди-кетдиси» раисларда эмаслиги қийнаб қўймоқда.

Таклифим шуки, маҳаллалардаги «бешлик»нинг назорати раисларга берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ахир ҳар бир соҳада, ҳар бир жамоада ходимларни бир киши бошқариши керак, йўқса, жамоада тарқоқлик, бош-бошдоқлик юзага келади. Бугун мана шу тарқоқлик раисларни қийнаб келаётир. Агар ходимларнинг назорати ва уларга интизомий чоралар кўриш ваколати раисларга

берилса, бундай тарқоқлик барҳам топарди.

Тўғри, маълум вақт давомида бу борада раислар уларнинг юқори турувчи органларига тақдимнома кирита олади, бироқ вақт ўтиб бўлган бўлади. Назаримда, жамоада битта раҳбар бўлиши керак, шундагина ўсиш ва ривожланиш яхши бўлади. Ахир ота-боболаримиз «Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдиран, тўртовлон тугал бўлса, бўлмаганин бўлдирар» деб бекорга айтишмаган.

### ҲОЛАТ

## «Кўчат парваришлай десак, вақтимиз етмаяпти...»



**10** йилдан буён маҳалла раиси сифатида ишлаб келаётган бўлсам, шу кунгача турли муаммоларга дуч келиб, уларни ижобий ҳал қилишга эришдим. Ходимлар билан биргаликда одамларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, яхши шароитларда яшаши учун туну кун ҳаракат қиляпмиз.

**Умида МАТЁҚУБОВА,** Хива шаҳридаги «Гиламчи» маҳалласи раиси.

Йиғинда 2 602 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги тадбиркорлик билан шуғулланади, ҳудуддаги бозорларда ишлашади. Йил бошида 140 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган бўлса, шу кунгача улардан 57 нафарини турли корхоналарга доимий ва ҳақ тўланадиган ишларга жойлаштирдик. Қолганларини ҳам ишга жойлаштириш бўйича ишляпмиз.

«Аёллар дафтари»га 83 нафар хотин-қиз киритилган, уларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам берилляпти. Ўзини ўзи банд қилмоқ-

чи бўлган аёлларга субсидия ва имтиёзли кредитлар тақдим этиляпти. Мисол учун, Дилафрўз Матёқубовага субсидия асосида 1 та тикув машинаси олиб берилган эди. Бугун ушбу маҳалладошимиз ўзини ўзи банд қилиб, аёллар кийим-кечакларини тиқишни йўлга қўйган. Элмира Султонова субсидияга олган тикув машинаси ортдан мўмайгина даромад топяпти. У ўз уйида кўрпа ва ёстиқларга жилд тиқишни йўлга қўйган. Гулбаҳор Абдуллаева 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига 5 та тикув машинаси олиб, маҳалла ҳудудида бўш турган бинода чеварчилик фаолиятини йўлга қўйди ҳамда йиғиндаги беш нафар аёлни доимий иш билан таъминлади.

«Ёшлар дафтари»даги йигит-қизлар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилган. Жумладан, дафтарда турувчи Бекзод Абдуллаев 33 миллион сўм кредит эвазига маҳалла ҳудудидан мўъжазгина савдо дўкони олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Бу билан у оиласига қўшимча даромад киритиб, маҳалладошларидан 2 нафарини иш билан таъминлаган. Бундан ташқари, тадбиркорларимиз ташаббуси билан йиғиндаги 5 та кўп қаватли уй капитал таъмирланди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудуд иқлимига мос 150 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Айни масалада бизни қийнаб турган муаммо бор. У ҳам бўлса, маҳалла фаоллари аҳоли мурожаатлари билан банд бўлиб, доим ҳам ҳудудга экилган кўчатлар ҳолидан хабар ололмаймиз, вақтида сув қуйиб, парвариш қила олмаймиз. Агар бунинг учун алоҳида штат ажратиб беришса, ниҳоллар куриб кетишининг олди олинган бўларди. Қолаверса, ҳали маҳалламиз ҳудудида яна минглаб кўчатлар экишни режалаштирганмиз, улар учун ҳам алоҳида эътибор керак. Хуллас, кўчат парваришига қўшимча штат зарур.

### БИЛАСИЗМИ?

## Иш стажы кимларга икки баробар қўшиб ҳисобланади?

**Пенсия жамғармаси маълумотида кўра, Ўзбекистонда айрим тоифадаги ходимларга ҳар ишлаган йили учун 2 йиллик иш стажы ҳисобланади.**

Унга кўра, моҳовхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунитет танқислиги вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлагани учун — икки ҳисса баробарида иш стажыга қўшиб ҳисобланади. Яъни, 1 йил ушбу турдаги ишларда фаолият олиб борган фуқаронинг меҳнат стажы 2 йил деб ҳисобланади.

Аввалроқ 2023 йил 1 ноябрдан бошлаб «Халқ банки» сайёр кассалари томонидан махсус планшетларда фуқароларнинг бармоқ изи маълумотларини Персонал-лаштириш агентлигига электрон сўров юбориш орқали ўзаро мос келгани тасдиқланганидан сўнг нақд пул шаклида пенсия ва нафақа тўлаш тизими жорий этилиши айтилганди.

Республиканинг тоғли ва олис ҳудудларида интернет тезлиги ёки бошқа муаммолар сабабли пенсия олувчининг бармоқ изларини электрон шаклда солиштириш имконияти бўлмаганда ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома орқали бошқа шахсга тўланаётганда нақд пул шаклида пенсия ва нафақалар тўлов қайдномаларини имзолаш орқали амалга оширилади.

НУҚТАИ НАЗАР

## «Эҳтиёж бор, лойиҳа тайёр, аммо ҳомий топилмаяпти...»

**Маҳаллага раис бўлиб сайланганимдан буён ходимлар билан биргаликда аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун эртаю кеч ҳаракатдамиз. Муаммоларни бартараф этишига кўмаклашяпмиз. Мурожаатларни тезкорлик билан ўрганиш мақсадида йиғин телеграм канали ташкил этилган. Шу орқали ишимизнинг самарадорлиги ортапти, аҳолининг мурожаатлари тезкорлик билан ижобий ечимини топяпти.**

**Султонмурод РАҲМАТОВ,**  
Тошкент туманидаги  
«Раҳбаробод» маҳалласи раиси.

Йиғинда 649 та хонадонда жами 3 400 нафар аҳоли истиқомат қилади. Одамларнинг кўпчилиги, асосан, деҳқончилик ортидан рўзғорини тебратлади. Кам таъминланган, моддий кўмакка муҳтож аҳоли ҳолидан доимий хабар олиб тураемиз. Ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаб, ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашяемиз. Жумладан, Барқарор кўчасида истиқомат қилувчи Абдулазиз Шамсиддинов 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига 8 дона, Тоҳир Алимов имтиёзли 25 миллион 200 минг сўм кредит эвазига 7 дона зотдор қўй сотиб олиб, чорвачилик фаолиятини йўлга қўйди. Нокзор кўчасида яшовчи Ноила Холбекова эса 16 миллион 675 минг сўм кредит маблағи эвазига 3 дона тикув машинаси олиб, ўз уйида чеварчилик

фаолияти билан шуғулланмоқда. Шуни айтиш керакки, Президентнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бўйича ҳудудда бир қанча ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, қарор асосида йиғиндаги таъмирталаб ҳолга келиб қолган 6,3 километр ички йўллар асфальтланди. Аҳоли тоза ичимлик сув йўқлигидан азият чекарди. Осиё Тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 5 километр узунликда ичимлик сув қувурлари тортилди. Бу орқали одамларнинг оби-ҳаётга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Бугун мазкур халқаро банк ёрдамида маҳалла ҳудудидан ўтган эътиборга молик йўллар таъмирланяпти. Хашар йўли билан маҳалламизни қўшни қишлоқлар билан боғлайдиган йўл ҳомийлар жалб қилинган ҳолда шағаллаштирилди. «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг иккинчи мавсумига ҳудуддаги эскирган 80 дона симёғочни янги бетон устунларга алмаштириш ва 9 километр масофага электр кабеллари тортиш, 4 дона юқоркучланишга эга трансформатор ўрнатиш бўйича таклиф киритганмиз. Ҳозирда овоз бериш жараёнлари кетяпти. Аҳоли билан бирлашиб,



лоийҳада ютиб чиқсак, одамларни бир неча йилдан буён қийнаб келаятган яна бир муаммо бартараф этилади.

Маҳалла биносига эҳтиёж бор. Ҳозирда ходимлар учун алоҳида бино мавжуд эмас, ижарада турарамиз. Ҳокимликка йиғин биноси

қуриш бўйича лойиҳа киритганмиз. Лойиҳамиз тасдиқдан ўтган. Лекин ҳомий бўлмагани боис ҳамон қурилиш ишлари бошланмади. Истардикки, маҳаллага мўъжазгина идора биноси қуриб берилса, ходимларнинг янада шижоат билан ишлашига шароит яратилган бўларди.

ТАКЛИФ

## «Икки йилки, бино ҳамон битгани йўқ»

**Маҳаллага раис бўлиб сайланганимдан буён ходимлар билан биргаликда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида ҳаракат қилиб келяпмиз. Йиғиндаги 1 312 та хонадонда жами 3 490 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг деярли 70 фоизи тадбиркорлик ортидан рўзғор тебратлади. Шунинг учун йиғинда ишсиз фуқаролар деярли йўқ.**



**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**  
Урганч шаҳридаги  
«Дўстлик» маҳалласи раиси.

Аҳолининг қулай шарт-шароитларда яшаши учун керакли барча чораларни кўряпмиз. Кам таъминланган, моддий кўмакка муҳтож аҳоли вакиллари ҳолидан мунтазам хабар олиниб, «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан бир марталик моддий ёрдамлар ва озик-овқат маҳсулотлари берилмоқда. Уларнинг фарзандлари ўз қизиқишлари бўйича мономарказларда ўқитилиб, мутахассислиги

бўйича ишга жойлаштириляпти. Олий таълим муассасаларида ўқийдиган йигит-қизларнинг контракт пуллари тўлаб берилляпти. Умуман, йиғиндаги ҳар бир фуқаронинг муаммолари ўрганилиб, ташаббуслари қўллаб-қувватланяпти.

«Аёллар дафтари»да жами 103 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича қатор ишлар олиб бориляпти. Жумладан, ал-Хоразмий кўчасида истиқомат қилувчи Лайло Ўсупова имтиёзли 33 миллион сўм кредит маблағи эвазига 3 дона тикув машинаси олиб, ўз уйида чеварчилик фаоли-

ятини йўлга қўйди. Хонқа кўчасида яшовчи Малика Курбонова эса ўз тадбиркорлигини кенгайтириш мақсадида 10 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, новвойхонасини капитал таъмирлаб, нон етказиб бериш имкониятини кенгайтirdи.

Бундан ташқари, ҳудудда 2 та мактаб фаолият юритади. Ўтган йили «Ташаббусли бюджет»да лойиҳамиз билан ғолиб бўлиб, таъмирталаб ҳолга келиб қолган битта мактабимизни капитал таъмирладик. Фарзандларимизнинг замонавий шарт-шароитларга эга мактабда билим олишларига имконият яратдик. Шунингдек, ҳомийлар томонидан йиғиндаги эски симёғочлар ўрнига янги темир-бетон устунлар ўрнатилди. Маҳалла инфратузилмаси ва ҳудуд экофаунасини яхшилаш мақсадида «Яшил макон» умуммиллий дастури доирасида иклимимизга мос минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Ҳозир ҳудуддаги йўллар таъмирталаб аҳволга келиб қолгани муаммо бўлиб турибди. Уларни асфальтлаш мақсадида ўтган йили «Ташаббусли бюджет»да лойиҳамиз билан иштирок этдик, аммо ғолиб бўла олмадик. Иштиёқимизни сўндирмай, лойиҳанинг кейинги мавсумига яна йўлларимизни асфальт қилиш бўйича таклиф киритмоқчимиз.

Шунингдек, ҳудудда маҳалла биноси мавжуд эмас. Ходимлар билан ижарада тураемиз. Бундан икки йил аввал маҳалла биносини қуриш ишлари бошланган эди, аммо ҳамон қуриб битказилгани йўқ. Истардикки, ходимлар билан замонавий шароитларга эга бўлган бинода ўз фаолиятимизни олиб борсак, ишимиз самарадорлиги янада ошарди.

БИЛАСИЗМИ?

## Хизмат кўрсатишда «3 қадам» тамойили жорий этилади



**Президентнинг «Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра:**

- аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни рақамлаштириш мақсадида ЯИДХП орқали кўрсатиладиган хизматлар «3 қадам» тамойили асосида мақбуллаштирилади;
- 2023 йил 1 декабрга қадар фуқаролар рақамли хизматлардан мустақил равишда фойдаланишлари учун давлат хизматлари марказларида биринчи босқичда 14 та «Рақамли хизмат нуқта»лари ташкил этилади;
- 2024 йил 1 январга қадар рақамли хизмат ва сервислар, электрон тўловлар,

медиа ресурслар имкониятини бирлаштиришни назарда тутувчи Ягона портал орқали хизматларни тақдим этишнинг янги дастурий таъминот шаклини жорий этиш режалаштирилмоқда.

«Рақамли ҳукумат» тизими доирасида қуйидагилар тўлиқ электрон ҳужжат айланиш тизимига ўтказилади:

- 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб – ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий аппаратлари;
- 2024 йил 1 майдан бошлаб – ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳудудий бўлинмалари ва улар тасарруфидagi ташкилотлар.

ТАКЛИФ

## «Шифохона беморларни, мактаб ўқувчиларни сиғдира олмаяпти»

Давлатобод аввал Наманган шаҳри таркибида бўлиб, аҳоли сони ортиб бориши ҳисобида алоҳида туман сифатида ажралиб чиққан. «Орзу» маҳалласи ҳудудида 9 200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Эътибор берганингиздек, фуқаролар сони бўйича нисбатан катта маҳалла ҳисобланади.

Асқаржон ФОЗИЛОВ,  
Давлатобод туманидаги  
«Орзу» маҳалласи раиси.

Бу катта масъулият, албатта. Чунки ҳар бир фуқаронинг муаммоси билан шахсан танишиб бориш осон эмас. Шу боис «бешлик» билан ҳамкорликда режали иш ташкил этганмиз. Ишсизликнинг олдини олиш, камбағалликни тугатиш, инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга ечим топишда туман ҳокимлиги яқиндан кўмак берапти.

Маҳаллада яшовчиларнинг аксарияти намунавий уйларда истиқомат қилади. Тахминан 30 фоиз фуқаро деҳқончилик билан шуғулланса, яна шунча қисми тадбиркорлик билан банд. 40 фоиз маҳалладошлар зиёлилардан иборат бўлиб, улар турли давлат ташкилот ва корхоналарида меҳнат қилишади.



Асосий «ўсиш нуқта» — тадбиркорлик ҳисобланади. 770 нафар фуқаро тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган. Маҳаллада бирорта ишсиз одам йўқ. Сабаби, ҳудудда жуда кўп ишлаб чиқариш корхоналари бўлиб, 50 та sanoat зонаси ишлаб турибди.

Кувонарли жиҳати, ҳеч бир муаммо эътибордан четда қолмаяпти. Айниқса, инфратузилма билан боғлиқ масалалар босқичма-босқич ҳал бўлмоқда. Масалан, «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш



бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга кўра, 2022-2023 йиллар давомида 10 км. кўча асфальтланди. 5 км. ички кўчалар бетон йўл бўлди. Ичимлик сув муаммосини ҳал этиш мақсадида 2 та 5 метр куб сув сиғимига эга ҳовуз қуриляпти. Ички кўчалардаги 75 фоиз эски симёғочлар 200 дан ортиқ янги, замонавий бетон устунларга алмаштирилди, 6 дона янги трансформатор ўрнатилди. 2,5 км. масофада ичимлик сув тармоғи тортилди.

Шу ўринда бир таклиф айтиб

ўтмоқчиман. Маҳалла катта бўлгани учун айна пайтдаги поликлиника хизмат кўрсатиш имконияти чекланган. Барчага бирдек тиббий хизмат кўрсата олмаяпти. Кўшимча бинога эҳтиёж бор. Бундан ташқари, 315 ўринли мактаб ҳам ўқувчиларни сиғдира олмай қолди. Буни 3 навбатда таълим олиб борилаётганидан ҳам билса бўлади. Ҳар икки масала бўйича туман ҳокимлигига мурожаат қилинган. Жорий йил охиригача ижобий натижа бўлиши айtilган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Кудрат УТАМУРОДОВ,  
Кўшробот туманидаги  
«Катта оқмасжид»  
маҳалласи раиси:



— Маҳалладаги айрим оилалар ўзаро иноқ, тинч-тотув яшайди. Фақат ўртада фарзандсизликдан азият чекаётганлар бор. Шундай оилалар биздан бола асраб олишга ёрдам беришимизни сўраб мурожаат қилади. Айтинчи, шундай вазиятда бола асраб олиш тартиби ва талаблари қандай?

## Айрим оилалар бола асраб олмоқчи...

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,  
«Мадад» ННТ ҳуқуқшуноси:

— 2013 йилда қонунчилигимизга киритилган ўзгартиришларга асосан, фарзандликка олиш фақат суд тартибида амалга оширилмоқда. Бунинг учун фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза билан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судига мурожаат қилинади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар, васийлик ва ҳомийлик органлари вакили, шунингдек, прокурор иштирокчида суд томонидан кўриб чиқилади.

Суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн кун ичида ФХДЭ органи фарзандликка олинган боланинг туғилиши қайд этилган далолатнома ёзувига зарур ўзгартиришлар киритиши лозим.

Фарзандликка олишни расмийлаштириш учун ФХДЭ органига суднинг ҳал қилув қароридан кўчирма, фарзандликка олувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, шунингдек, фарзандликка олувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

БИЛАСИЗМИ?

## Чет элга чиқиш тақиқи қандай олиб ташланади?

Давлат ижрочиси қарори асосида далимент тўловчиларнинг хорижга чиқиши вақтинча чекланиши мумкин.

Алиментлар олдиндан тўланган ёки бу бўйича гаров шартномаси тузилган бўлса хорижга чиқишга оид чеклов олиб ташланади.

Алиментларни олдиндан тўлаш 5 йилдан кам бўлмаган муддатга амалга оширилиши керак.

Болалар вояга етгунигача бўлган давр 5 йилдан кам бўлса, алиментларни олдиндан тўлаш қолган давр учун амалга оширилади.

Алиментни тўлашни гаров билан таъминлаш учун ариза судга тақдим қилинади. Гаров қиймати БҲМнинг 250 бараваридан (75 млн. сўмдан) кам бўлмаслиги лозим. Ҳар қандай мол-мулк (автомобиль, дўкон, уй-жой, квартира) гаров бўлиши мумкин.



## Намунали маҳалла ходимларига санаторийларга бепул йўлланма берилади

Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизimini такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинлари ходимларига бир маротабалик бепул йўлланма бериш кўзда тутилган.

Бу тартиб қўйидаги талаблар асосида амалга оширилади:

— туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозини ошириб бажариш ҳисобига бир маротаба баҳоланаётган ярим йиллик натижалари бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,75 баробарига пул маблағлари ажратилади;

— йил якуни натижалари бўйича республика ҳудудидаги санаторийларидан бирида соғлигини тиклаш учун бир маротабалик бепул йўлланма берилади.



## Қандай ҳолларда мулк ҳуқуқи чекланади?

Бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқининг чекланишини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

- бинолар ва иншоотлар хатлаб қўйилгани тўғрисидаги хабарнома;
- бинолар ва иншоотларнинг бошқа шахсга ўтказилишини тақиқлаш тўғрисидаги хабарнома;
- бинолар ва иншоотлар ипотекаси тўғрисидаги шартнома.

— тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган давлат ордери;

Ҳуқуқларнинг чекланиши бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларнинг чекланиши тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказилади.

Асос: «Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги НИЗОМ.

ТАКЛИФ

## «Иқлимга мос дарахт эксақ, нобуд бўлмайди»

«Ўбдин» маҳалласида 5 832 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг ҳар бири билан имкон қадар яқиндан танишиб, муаммоларини ҳал қилишга интиляпмиз. Охириги хатлов натижасига кўра, ишсиз фуқаролар сони 60 нафарни ташкил этганди. Уларнинг бандлигини таъминлаш борасида режа бўйича иш олиб боряпмиз.



Абирқул ТИЛАБОВ,  
Ғаллаорол туманидаги  
«Ўбдин» маҳалласи раиси.

Асосий «драйвер» — деҳқончилик. Шу боис кўпчилик мавсумий ишлар билан шуғулланишади. Лекин йирик ишлаб чиқариш корхонаси йўқлиги учун иш ўринлари яратишга қийналардик. Шу кунларда ҳудудда металл қайта ишлаш корхонаси ташкил этилиши кутилмоқда. Қуварнарсис, корхона ишга тушгач, 4 мингта янги иш ўрни яратилади. Буларнинг 1,5 минг нафари Қорақалпоғистондан келадиган усталар бўлса, 2,5 минг иш ўрнига туман аҳолиси жойлашади. Агар шу корхона иш бошласа, нафақат маҳалламизда, балки қўшни «Маржонбулок», «Лалмикор», «Яшнобод» маҳаллаларидаги ишсизлар ҳам даромадли касб эгасига айланишади.



Ўрни келганда маҳалла инфратузилмаси билан боғлиқ амалга ошириладиган ишларни айтиб ўтмоқчиман. Жумладан, 6 та кўчанинг 4 км. масофадаги ички йўллари шағалланди. Узоқ йиллардан бери асфальт қўйилган 2 км. йўл асфальтланди. Бундан ташқари, 6,5 км. қисми бетонланди. Электр энергиясидаги узил-кўрилларни бартараф этиш мақсадида 120 дона симёғочлар темир-бетон устунларга янгиланди, 2 та трансформатор ўрнатилди.

Сир эмаски, барча ҳудудларда «Яшил макон» дастури асосида дарахтлар экилмоқда. Афсуски, бу жараёндаги масъулиятсизлик сабабли кўчатлар тезда нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.

Таклифим — иқлимимизга мос бўлмаган дарахтларнинг ўрнига қайрағоч, тут каби қурғоқчиликка чидамли дарахтлар экиш керак. Қолаверса, ҳудудларимиз иқлими бир-биридан фарқ қилиши ҳам инobatга олиниб, барчасига бир хил кўчатлар экиш тажрибасидан воз кечиш лозим.



МЕНДА САВОЛ БОР...



Икром МАТКАРИМОВ,  
Хоразм вилояти ҳокимлиги  
ҳузуридаги Маҳалла ўқув  
курси директори:

— Яқинда эълон қилинган мандат натижаларига кўра, бир қанча ёшлар олий ўқув юрти талабаси бўлишди. Уларнинг айримлари тўлов-контракт асосида ўқишга кирган. «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган йигит-қизларга контракт тўловлари давлат томонидан тўлаб берилиши белгиланган. Бунинг тартиби ва тўланадиган маблағ суммаси ҳақида маълумот берсангиз.



## «Ёшлар дафтари»дагилар контракти тўлаб бериладими?

Нодирбек АБДУҚОДИРОВ, Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган «Ёшлар дафтари»га киритилган талабаларнинг 16,5 миллион сўмгача бўлган шартнома пулларининг маълум қисми давлат ҳисобидан тўлаб берилади. Бу Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада тарқатиштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган. Унга кўра, ёшларнинг қуйидаги тоифаларига шартнома пуллари тўлаб берилиши назарда тутилган:

- «Темир дафтар»га киритилган оила фарзанди;
- «Аёллар дафтари»га киритилган аёллар фарзанди;
- «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТга киритилган оиланинг про-

фессионал ёки ОТМда таълим олаётган фарзанди;

— «Меҳрибонлик уйи» ёки Болалар шаҳарчасида тарбияланган ўқувчи-талаба;

— ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, вассийликка олинган кам таъминланган ўқувчи-талаба;

— оила боқувчиларининг камида биттаси I гуруҳ ёки ҳар иккиси II гуруҳ ногиронлиги бўлган кам таъминланган оиланинг профессионал ёки ОТМда таълим олаётган фарзанди;

— ногиронлиги ёки саломатлигида нуқсон бўлган ўқувчи-талаба;

— оиласи кам таъминланган талабага.

Қолаверса, республикадаги профессионал таълим ташкилотларида таъ-

лим олаётган, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган олий таълим ташкилотларида бакалавриятнинг кундузги, сиртки ва кечки шаклида, магистратуранинг кундузги йўналишида таълим олаётган талабаларга тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатларининг бир қисми тўлаб берилади.

Ушбу харажатларни тўлаб бериш маҳалладаги ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида тўлов-контрактнинг 50 фоизигача, бироқ БҲМнинг 50 баравари (16 миллион 500 минг сўм) дан ошмаган миқдорда амалга оширилади, деб белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, бу масалада маҳалладаги ёшлар етакчисига мурожаат қилиш мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

## «Опен бюджет»га овоз йиғишга мажбурланса...

Сўнги кунларда ижтимоий тармоқларда турли соҳа вакиллари-нинг «Опен бюджет» учун овоз йиғиш ишларига жалб қилинганлик ҳолатлари юзасидан хабарлар тарқалмоқда.

«Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг 6-бандига биноан, ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида бюджет ташкилотларининг раҳбар ходимлари томонидан маж-

бурий овоз йиғиш бўйича ходимларга топшириқ беришлари тақиқланади. Бунда мажбурий овоз йиғишга мажбурият тақиқланган ташкилот ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш сифатида таснифланади.

Меҳнат кодексининг 5-моддасига асосан мажбурий меҳнат тақиқланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига мувофиқ мажбурий меҳнатга йўл қўйган мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100

бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади, худди шу ҳаракат такроран ёки вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилса, Жиноят кодексининг 148<sup>2</sup>-моддасига кўра жиноий жавобгарлик белгиланганлиги ҳақида эслатиб ўтамай.

Маълумот ўрнида, «Очиқ бюджет» учун овоз бериш жараёнлари жорий йилнинг 26 августдан бошланди ва 15 сентябрга қадар давом этади.

## Ахборот маҳсулотидан ёшга оид тасниф акс эттирилиши керак

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи уни болаларнинг қуйидаги ёш тоифаларидан бирига киритиш йўли билан амалга оширилади:

— 7 ёшга тўлмаган болалар учун ахборот маҳсулотидан (ёшга оид тоифаси белгиси «0+» ёзувини акс эттириши керак);

— 7 ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулотидан (ёшга оид тоифаси белгиси «7+» ёзувини акс эттириши керак);

— 12 ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулотидан (ёшга оид тоифаси белгиси «12+» ёзувини акс эттириши керак);

— 6 ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулотидан (ёшга оид тоифаси белгиси «16+» ёзувини акс эттириши керак);

— болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулотидан (ёшга оид тоифаси белгиси «18+» ёзувини акс эттириши керак).

ФИКР



## «Ташаббусли бюджет»дан умид қилиб турибмиз...»

**Маҳалла раиси бугунги кунда мурожаату муаммоларга эътиборли бўлиши талаб этилади. Барчасини ижобий ҳал этиш имконсиз, аммо қўл қовуштириб туриш ҳам ярашмайди.**



**Лутфулло ҲАМИДОВ,**  
Арнасой туманидаги  
«Чинобод» маҳалласи раиси.

Моддий ёрдам сўраб мурожаат қилганларнинг барчасини ўринли, деб бўлмайди. Ачинарли томони шундаки, уларнинг айримлари меҳнат қилмасдан туриб, яхши яшашни орзу қилишади. Давлат

бизга ёрдам беришга мажбур, деган хато тасаввур шаклланиб қолган. Шундай аризаларни рад этсак, туман ва вилоят идораларига шикоят билан мурожаат қилишиб, менга давлат, маҳалла ёрдам бермаяпти, дейишади. Мана шу масалаларда аниқ мезонлар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мана шундай вазиятда фаоллар ёрдамига суянаман. Жамоатчилик иштирокида тарғибот ўтказамиз. Одамларни боқимандалик кайфиятидан халос қилишга интиламиз. Шукр, бугунга келиб, аҳоли орасида рўзғорини бутлаш, турмуш ташвишларини ҳалол ризқи билан тўлдиришга интилиш кучайган. Биз эса уларга етарли шарт-шароит яратиб берамиз. Жумладан, маҳалланинг энг катта муаммолардан бири иш-сизликни бартараф этишга асосий эътибор қаратганмиз.

1200 нафар аҳоли истиқомат қиладиган фуқаролар йиғинида раис сифатида ишлаётганимга 2 йилдан ошди. Шу давр мобайнида бир неча бор хатлов ўтказдик. Июнь ойидаги хатловда 50 нафардан ортиқ иш-

сизлар рўйхатга олинганди. Бугунга келиб уларнинг 30 нафардан кўпи ишли бўлди. Бунда турли имкониятлардан фойдаландик. Бир қисми ўзини ўзи банд қилган бўлса, 35 нафарига экин ерларидан ажратиб берилди.

Жорий йил маҳалламиз учун янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди. Аввал боғча биносида ижарада ишлардик. Бундан ташқари, 405 метр масофадаги йўлларимиз бетонланди, 3,5 км. кўчаларимиз асфальтланди. 7 км.лик ичимлик сув тармоғи тортилди. 1 км. пиедалар йўлакчаси барпо этилди. Ички кўчаларимизнинг 1 км.дан ортиқ қисмида лоток ариқлар ўрнатилди.

Таклифларим — маҳалламиз ёнидан оқиб ўтган канал сувидан маҳалла эҳтиёжига фойдаланиш учун олиш керак. Шунда оқова сув муаммоси ҳал бўлади. Шунингдек, 120 ўринли боғча қуриш режамиз бор. Кўчаларимизга тунги чироклар ўрнатиш лозим. Бу масалани «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига киритдик. Агар ғолиб чиқсак, масала ҳал бўлади.

### МЕНДА САВОЛ БОР...

**Шохназар НАЗАРОВ,**  
Қўшқўпир туманидаги «Ошоқ» маҳалласи фаоли:

— Мен 12 йил маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида ишладим. Бугун нафақаданман. Шу давр мобайнида маҳалла кенгаши аъзолари билан ҳамкорликда ҳудудга хос кўплаб масалаларга ечим топдик. Бугун эса, тизимда кўп ўзгаришлар бўлди. Айтингчи, янги тартиб бўйича маҳалла кенгаши аъзоларини сайлаш қандай амалга оширилади? Раис неча ойда вакиллар йиғилишига ҳисобот беради?

## Маҳалла кенгаши аъзолари қандай сайланади?



**Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ,** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги мутахассиси:

— Маҳалла кенгаши — маҳалла фуқароларининг умумий йиғилишлари қарорларини бажариш ва шу йиғилишлар оралиғидаги даврда маҳалланинг жорий фаолиятини амалга оширишни таъминлаш мақсадида шакллантириладиган коллегиал ижро органи бўлиб ҳисобланади.

Унинг таркибига қуйидагилар киради:

- маҳалла раиси;
- маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари (профилактика (катта) инспектори);
- маҳалла раисининг маслаҳатчилари (маҳалла раисининг ёшлар масалалари бўйича ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари);
- кўчабоши ва уйбошилар;
- маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, шунингдек, ҳудуддаги мактабга таълим ва таълим муассасалари, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари.

Маҳалла кенгаши таркиби лавозим бўйича шакллантирилади ҳамда вакиллар йиғилиши томонидан тасдиқланади. Маҳалла раиси ҳар чорақда камида бир маротаба вакиллар йиғилишига ҳисобот бериши керак.

### БИЛАСИЗМИ?

## Автобусда юришда нималар тақиқланади?

«Ўзбекистон Республикасида автомобиль «транспортда йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида» Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра қуйидагилар тақиқланади:



- йўловчиларнинг маст ҳолда юриши;
- алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш;
- ҳайдовчи (кондуктор)нинг рухсатсиз ойналарни очиш;
- ойнадан ташқарига осилиш;
- тез ёнувчан, портловчи, заҳарловчи, заҳарли, қўланса, радиоактив моддалар ва ашёларни, филофсиз ўқ отар қурол, тийли ва кескир ашёларни олиб юриш;
- ўлчамли 100 см х 50 см х 30 сантиметрдан катта ёки битта ўрин учун оғирлиги 60 килограммдан ортиқ буюмларни, шунингдек узунлиги 200 сантиметрдан ортиқ бўлган буюмларни олиб юриш;
- салонни ёки йўловчиларнинг кийимларини ифлос қилувчи буюмлар ва ашёларни олиб юриш;
- тумшукбоғсиз итлар ва бошқа ҳайвонларни олиб юриш.

## Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилганларга субсидия берилади

**Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари бундан мустасно) ҳар бир ходим учун БҲМнинг 1,5 баравари миқдорда субсидия берилади.**



Бунда иш берувчи ногиронлиги бўлган шахсни ишга қабул қилгандан кейин субсидия олиш учун туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат этади.

Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳужжатларни 3 иш кунини ўрганиб чиқади ва ўрганиш натижаларига кўра субсидия ажратиш (ажратишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилади.

Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, субсидия ҳар ой учун кейинги ойда (6 ой давомида) иш берувчига тўлаб берилади.

Ҳар ой якунида ишга қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳақиқатдан ишлаётганлиги мониторинг қилиб борилади.

ТАКЛИФ



## «Дайти итлар аҳолини хавотирга соляпти...»

Йиғинда аҳоли муаммоларини ходимлар билан биргаликда уйма-уй юриб ўрганиб, имкон даражасида бартараф этиб келяпмиз. Маҳалладаги «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилганларни туман ҳокимлиги ва маҳалладаги саховатпеша тadbиркорлар ҳомийлигида турли озик-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ишлари йўлга қўйилган.

**Мансурбек ҲАЗМЕТОВ,**  
Ҳазорасп туманидаги  
«Алоқали кўл» маҳалласи  
раиси.

Маҳаллада 620 та хонадонда жами 4 065 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йил бошида 53 нафар ишсиз фуқаро мавжуд эди. Уларни корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштириш ва бугун ишсизлар сони 33 нафарни ташкил этади. Уларнинг бандлигини таъминлаш чорасини кўряпмиз.

Худуд инфратузилмаси ҳақида сўз борганда, «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори бўйича йиғиндаги носоз йўлларга қум-шағал аралашмаси ётқизилди. 622 метр ички йўллар бетонлаштирилди, 1,2 километр йўллар асфальтланди. Шунингдек, 1,2 километр масофада пиёдалар йўлакчаси

барпо этилди. Худуддаги 210 ўринли мактаб капитал таъмирланиб, яна шунча ўринли, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган мактаб фойдаланишга топширилди. Бу орқали фарзандларимизнинг яхши шароитларда таълим олишига имконият яратилди.

Қолаверса, худудда аҳоли сони ўсиб бораётгани туфайли мавжуд трансформаторлар аҳолига етарлича электр энергиясини етказиб бера олмаётгани. Мазкур масалани ҳокимлик ёрдамида ҳал қилдик ва 2 та трансформатор ўрнатдик. Хозирда 2 та эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилага янгидан уй қуриш, 5 нафар фуқаронинг уйлари капитал таъмирлаш ва 8 нафарига тегишли уйлари билан қисмини шифер қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Номли дафтардагилар билан тизимли ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, «Аёллар дафтари»га 108 нафар хотин-қиз киритилган бўлиб, уларнинг 6

нафари мономарказда касб-хунарга ўқитилди, мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 8 нафар аёлнинг 4 нафарига субсидия асосида тикув машинаси, яна 4 нафарига имтиёзли кредит олиб берилиб, бандлиги таъминланди. Боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 12 нафар хотин-қизга «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. «Ёшлар дафтари»га киритилган 3 нафар ёшнинг контракт маблағлари тўлаб берилди. 2 нафарига субсидия асосида тикув машинаси ва мотокультиватор олиб берилди.

Таклифлар масаласига келсак, ҳар йили куз фаслида кўчада юрган дайди итларнинг қўтириш касаллиги билан боғлиқ маълумотлар тарқалади. Айниқса, қишлоқ жойларда бу ҳолат кўп қузатилади. Истардикки, ҳар бир туман ва шаҳарда Ободонлаштириш бошқармаси томонидан дайди итларни тутиш, махсус жойларда сақлаш, керак бўлса, уларни йўқ қилиш бўйича рейдлар ташкил қилини керак. Шунда кўчадаги дайди итлар камайарди, қўтириш билан боғлиқ хавотирларимизга ўрин қолмасди.

СПОРТ

## «Кўксарой»лик ёшларга қулайлик яратилди

Бугун барча маҳаллаларда ёшларнинг спорт билан шуғулланишига эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда спорт майдончалари, мини-футбол стадиони, турли спорт турларига ихтисослашган универсал майдонлар қуриляпти. Ҳатто олис ва чекка ҳудудларда ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар буй кўрсатган. Бу жараёнларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳам четда қараб турмаяпти.



**Хуршид ИСМАТОВ,**  
«Маҳалла» хайрия  
жамоат фонди Хатирчи  
тумани бўлинмаси раиси.

Биргина фонднинг Хатирчи тумани бўлинмаси томонидан Президентимизнинг «Соғлом турмуш тарзини кенг татиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида режа асосида қатор спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Шу билан бирга, ёшларга спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга урғу берилган.

Хусусан, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан эълон қилинган давлат гранти бўйича танловда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ўз лойиҳаси билан қатнашди. Танловда «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш» мавзусидаги лойиҳамиз долзарб деб топилиб, 32,4 миллион сум-

лик грант маблағи ажратилди. Яқинда мазкур лойиҳа доирасида Хатирчи туманидаги «Кўксарой» маҳалласи мазмурий биноси ёнида «Street Workout» спорт майдончаси қуриб битказилди. Унинг очилиш маросимида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Равшан» спорт клуби раҳбарлари, маҳалла жамоатчилиги қатнашди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшлар учун яратилган шароитлар, спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти ҳақида фикр билдирди.

Шундан сўнг «Спортни сев, спорт билан яша!» шиори остида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган турли спорт мусобақалари ўтказилди. Мусобақада ғолиб деб топилган ёшлар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан рағбатлантирилди.

Албатта, юқоридаги ишларимиз шу билан тўхтаб қолмайди. Зеро, туманимизда спортга қизиқувчи, унга ошно бўлган ёшлар талайгина. Келгусида ҳам улар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақаларини доимий равишда ўтказиш чораларини кўриб борамиз. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни янада кенгайтириш мақсадида аниқ режа ишлаб чиқилиб, ҳаётга татиқ этилмоқда.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

## Қандай ташкилотлар бюджет ташкилоти саналади?

**Д**авлат органлари (масалан, вазирлик, қўмита, агентлик кабилар) тизимидаги ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам бюджет ташкилоти бўлавермайди.

Бюджет кодексининг 4-моддасида бюджет ташкилотига шундай таъриф берилган: «Давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот бюджет ташкилотидир».

Демак, бюджет ташкилотининг биринчи белгиси, у муайян давлат функциясини амалга оширади. Иккинчи белги – у давлат ҳокимияти

органи (масалан, Президент ёки Вазирлар Маҳкамаси) қарорига биноан ташкил этилади. Учинчи белги – у давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб турилади. Ва тўртинчи белги – у нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Буни, масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мисолида кўриб чиқсак. Вазирлиқнинг ўзи, шубҳасиз, бюджет ташкилоти ҳисобланади, чунки бу вазирликда юқоридаги 4 та белгининг барчаси бор. Худди шундай, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

тасарруфида ҳудудий бошқармалар ва туман бўлинмалари, қанчадан-қанча тиббиёт муассасаларини тузилмавий ташкилотлар ҳам юқоридаги 4 та белгига тушади. Асосий таъминоти ва сақлаш харажатлари бюджет ҳисобидан бўлгани учун уларни бюджет ташкилоти деймиз.

Лекин, вазирлик тасарруфидаги давлат унитар корхоналари (ДУКлар), масъулияти чекланган жамиятлари (МЧЖлар) ҳам бор. ДУКлар ва МЧЖ кабилар Фуқаролик кодексининг 62- ва 70-моддаларига

биноан, тижоратчи юридик шахслар ҳисобланади ва асосий таъминоти бюджет маблағлари эмас. Ўз-ўзидан бундай ташкилотлар бюджет ташкилоти бўла олмайди.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли ДУК ёки МЧЖ бўлмай, давлат муассасаси бўлгани билан ўзининг хўжалик ҳисобидаги маблағлари эвазига сақлаб туриладиган ҳамда тўғридан-тўғри бюджетдан таъминланмайдиган ташкилотлар ҳам бор. Бу каби ташкилотларни ҳам бюджет ташкилоти дея олмаймиз.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## Қўшхотинлиликни «кўз-кўз» қилиш «урф»га айланяптими?

Бу мавзуда жамоатчиликнинг жим тургани оғриқли нуқта бўлиб қоляпти

Бугун ижтимоий тармоқларни, хусусан, «Tik-tok», «Instagram», «Facebook», «Youtube»ни титкилаб ўтирсангиз, ҳар учта видеонинг иккитаси қўшхотинлиликка бағишланганига гувоҳ бўласиз. Кимдир қимматбаҳо совғаларни «1-хотинимга» ёки «2-хотинимга» сўзлари туширилган тасмалар билан безаб, жамоатчиликка кўз-кўз қилиш орқали кўпхотинлиликни тарғиб қиляпти. Яна бошқаси биринчи аёлидан кўнгли тўлмай, иккинчи аёлга уйланмоқчи бўлаётгани ҳақида видео тарқатяпти. Ҳатто бу тарғиботларда ўз турмуш ўртоғига гўёки янги хотин совға қилиб, кўпхотинлиликни тарғиб қиляётган хотин-қизларни ҳам кўриш мумкин. Ваҳоланки, юртимизда кўпхотинлилик қонунан тақиқланган.



Статистика агентлиги маълумотида кўра, жорий йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистонда никоҳдан ажралишлар сони 25 400 тани ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 828 тага кўпайган. Худудлар кесимида қарайдиган бўлсак, Фарғона вилояти никоҳдан ажралишлар сони энг кўп худуд сифатида қайд этилган. Вилоятда ярим йилда 3 107 та оила ажрашган. Кейинги ўринларда Тошкент шаҳри (2 989 та) ҳамда Андижон вилояти (2 854 та) келтирилган. Ажралишлар сони энг кам худуд — Навоий вилояти бўлиб, бу ерда 755 та оила ажралиши қайд этилган. Кейинги ўринларни Сирдарё (796 та) ва Жиззах (873 та) вилоятлари банд қилган.

Яна бир далил: ажралишлар ўсиш суръатининг энг юқори даражаси Хоразм ва Фарғона вилоятларида, паст даражаси эса Бухоро ва Сирдарё вилоятларида кузатилган. Ярим йил давомида 1 нафар фарзанд билан никоҳдан ажралишлар сони 13 186 тани, 2 ва ундан ортиқ фарзанд билан ажралишлар 5 505 тани ташкил этган.

Юқоридаги ҳолатлар шунчаки рақамлар бўлиши мумкин, лекин бу рақамлар ортида қанчадан-қанча

оилалар пароканда бўлган. Қанчадан-қанча фарзандлар етим қолган. Бугун кино ва сериалларимизда кўпхотинлиликни тарғиб қилинаётгани, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг ўз аудиториясини кенгайтириш учун шу мавзудаги чиқишларни кўпайтиргани юқоридаги рақамларнинг янада ўсишига олиб келмаяптимики?

Ижтимоий тармоқлардаги видеоларни ҳали она сути оғзидан кетмаган болалар ҳам, турмуш қуриш арафасида турган ёшлар ҳам, оилалардан тортиб, ёши катталаргача кўради. Авваллари биз қўшхотинлик ҳақида «Ўтган кунлар» фильмидан ёки маҳалладаги «ғийбатчи хотинлар»дан билардик. Кинода ҳам, маҳаллада ҳам бу мавзу ҳаммага фожиа сифатида айтилар ва кўрсатиларди. Чунки биз дунёвий давлат сифатида моногамияни (бир эркак ва бир аёл никоҳи) ижтимоий норма деб қабул қилганмиз, кўпхотинлиликни жиноят сифатида қонунчиликда белгилаб қўйганмиз.

Энди ўзингиз айтинг, эртага қўшхотинлик тарғиботига айланяётган видеоларни кўриб улғаяётган болалар шу ишларни такрорлашга олиб келиши билан ажрашиб

кетмаслигига ким кафолат беради? Ахир «Куш уясида кўрганини қилади», деган нақл бор. Ёки эндигина оила қурган ёшлар оиласида озгина низо чиқса, «иккинчисига уйланаман ёки мен ҳам иккинчи бўлиб биронтасига тегиб олсам, машинали, уйли бўлиб, яхши яшайман» деган фикр уйғонмаслигига ким жавоб бера олади?

Юқоридаги ҳолатларга жамоатчиликнинг бир қисми жимгина қараб туриш орқали жамиятда нотўғри таълимот, қадрият қурфга айланишига ҳисса қўшаётганидан беҳабар бўлса, бошқа қисмининг эса эътирозларига сабаб бўляпти.

— *Оиладаги арзимаган келишмовчилик, оддий низолар кўп ҳолларда учинчи шахснинг аралашуви тўғрисида кўп оилалар пароканда бўлиб, фарзандлари етим бўлиб қоляпти, — дейди Ангрен шаҳридаги «Боботоғ» маҳалласи раиси Хуршида Душаева.* — Мисол учун, айни йўналишдаги мурожаатларнинг кўпида оиласига бошқа бир шахснинг аралашиб қолгани учун ажралишга ариза бергани айтилади. Ёки бўлмаса, ёшгина болалар «ота-онамиз ажрашишмоқчи. Айтинг ажрашишмасин» деб йиғлаб келишади. Юрагим эзилиб, ачиниб



кетаман. Ижтимоий тармоқлардаги видеоларда қўшхотинлиликнинг тарғиб қилиниши ажралишлар сонининг кўпайишига сабаб бўляпти, назаримда. Ҳа, ҳўп, иккинчи аёли бор экан, унга қимматбаҳо совғалар олган экан, оламга жар солмай, ижтимоий тармоқларда кўз-кўз қилмай, жимгина яшаб юрса бўлмайди? Қиляётган ишларини ўзи билсин, тамом. Ҳамма ёққа жар солишининг нима кераги бор? Демак, болаларимиз тарбиясига эъти-

борни ёшлиқдан кучайтиришимиз керак. Уларга чет тилларини, компьютер техникасини ўргатиш баробарида онгига миллий қадриятларимизни чуқур сингдириб боришимиз зарур.

— Ёшлигимизда қўшхотинлиликни кўп гапирверишмасди, гапирилганда ҳам, мураккаб, чигал ва фожали тақдир деб кўрсатиларди, — дейди Адлия вазири маслаҳатчиси, жамоатчилик фаоли Шаҳноза Соатова. — Лекин ҳозир бўлаётган аерессив медиатарғиботга негадир ҳеч ким, айниқса, масъуллар индамаяпти. Телевизорнинг қайси каналига олсанг, қўшхотинлилик ҳақида сериал. «Tik-tok», «Instagram», «Youtube» ҳам тўлган шу мавзуга. Миллион аудиторияга эга блогерлар омма олдига эрига иккинчи хотин совға қиляпти (ўта кетган ахлоқсизлик, ғайриинсонийлик). Гўё бизда оилавий қадриятлар ўзгариб кетгандек. Ҳамма атрофда хотин устига хотин оляптию, бу ижтимоий нормага айланиб бўлгандек... Фақат хотинлар ўртасида адолат қилса бўлдишимиз. Аслида унақа эмас. Ота-оналаримиз, буви-боболаримиз бир-бирларига садоқат билан биргаликда яхши-ёмон кунларни яшаб, оила кўрғонини қуришган. Ҳозир ҳам ақсар оилалар тирикчилик ташвишида, эр-хотин биргаликда рўзғор юкни кўтариб фарзандларни оёққа қўйишяпти. Лекин медиа, ижтимоий тармоқлар жамиятда ахлоқ нормаларини эмас, айримларгина кўришни-эшитишни истаётган нарсаларни кўрсатяпти — бу эса аудитория талаби, атрофда бўлаётган ҳаётий ҳолат эмиш.

Жамоатчилик фаолларининг фикрича, юқоридаги ҳолатларга зийелилар, ҳуқуқшунослар, умуман олганда, бошқа фаоллар томоша-бин бўлиб тургандек. Рад этилган, эътирозли муносабатларни кўрмайсиз. Бизда зарарли маҳсулотлар, масалан, тамаки, спиртли ичимликлар рекламаси тақиқланган. Лекин инсон онги, дунёқараш ва тақдирга зарар етказиши мумкин бўлган одатлар ва ҳаракатлар тарғиботи ҳаммасидан-да зарарли эканини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Қонунчилик билан тақиқланган хатти-ҳаракат ёки фаолиятнинг тарғиб қилинишига нисбатан чора кўриш вақти келди, шундай бўлиши керак, жазо муқаррарлиги таъминланиши шарт, агар бунинг учун қандайдир ўзгаришлар керак бўлса, қонунларимизга ўзгартириш киритиш керак. Ҳар қандай қонунчиликка зид шаклланган «урф»ларни фақатгина жазо муқаррарлиги билан енгиш мумкин.

Кўпхотинлиликнинг асосий хавфларидан бири, бу — жамиятнинг ахлоқий негизларини емириши ҳисобланади. Ушбу жиноят оилага қарши жиноят тоифасига кирди. Шу боис уни тарғиб қилганлик учун қатъий ва қаттиқ жавобгарлик белгиланиши керак. Шундагина биз йилдан-йилга ошиб бораётган ажралишлар сонининг озгина бўлса-да, камайишига эришган бўламиз. Агар аҳвол шу тариқа кетверса, ажралишлар кўпайгандан-кўпайиб, қўшхотинлилик «қадрият»га айланиб қолади. Бундай бўлмаслиги учун ҳозирданок кўпхотинлиликни тарғиб қиляётганларга жиддий чоралар кўриш керак, назаримда.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

## Мақтаб ошхоналарида нималар сотиш тақиқланган?

Нурмат ОТАБЕКОВ,  
Санитария-эпидемиологик осойишта-  
лик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси  
ўринбосари:

— «Умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида ўқувчилар овқатланишини ташкил этишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари»га кўра, қуйидагилар мактаб ошхоналарида тайёрланиши ва сотилиши мумкин эмас:

- гўшт қўшилган, майонез, кетчуп ва орасига сабзавотлар солинган нон маҳсулотлари (гамбургер, чизбургер ва хот-доглар);
- сунъий таъм, ҳид берувчи моддалар, бўёқлар, ароматизаторлар қўшилган қан-

долат маҳсулотлари;

- сунъий консервантлари бўлган «кириешки», «хрустяшки» ва чипслар, курт, писта, донали уй шароитида тайёрланган шимиладиган ширинликлар;
- рангли ва рангсиз газланган ичимликлар;

- ташқи қавати тоза бўлмаган, синган, зарур талабларга жавоб бермайдиган тухумлар;
- кремли қандолат маҳсулотлари (торт ва пишириқлар);
- холодец, парранда ва туёқли ҳайвонлар оёғидан тайёрланган ҳамда калла гўшти рулетлари, ўпка-жигарли ва қондан қилинган колбасалар;
- кўзқоринлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар;

• квас;

- хом дудланган гўшти гастрономик маҳсулотлар ва колбасалар, шу жумладан, қайнатилган колбаса;
- табиий кофе, тетиклантирувчи ва қувватни оширувчи энергетик ва алкоголь ичимликлар;
- данакли меваларнинг мағзи, сақич, мева ва резаворлилардан тайёрланган яхна ичимликлар ва морслар (термик ишловсиз);
- окрошка ва совуқ шўрвалар, ёғда қовурилган тухум, паштет, гўшт ва творогли куймоқлар ва бошқалар.

Тез тайёрланадиган қуруқ озиқ-овқат концентратлари асосидаги биринчи ва иккинчи таомлар мактаб ошхоналарида бўлиши тақиқланади.

## Қоғозсиз иш юритиш жараёни жадаллашади

Анъанага мувофиқ, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон қонунчилигида рўй берган айрим ўзгаришларни эслатиб ўтамиз

### Субсидия ягона платформа орқали ажратилади



Аҳоли ва тадбиркорларга субсидия ажратиш билан боғлиқ барча хизматлар босқичма-босқич «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратишнинг ягона электрон платформа»сига ўтказилади. Шунингдек, субсидияларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини электрон платформа орқали онлайн текшириш тизими йўлга қўйилади.

### Ногиронлиги бор шахсларга қулайлик яратилади

Ногиронлиги бор шахслар учун протез-ортопедия воситаларини олиш енгилаштирилди. Бунда ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашда ногиронлиги бўлган шахслардан тиббий хулоса талаб қилиш бекор қилинади. Тиббий хулоса тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан «Тиббий-ижтимоий экспертиза» электрон ахборот тизимига киритилади.



### Болалар музейларга бепул киради



«Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида кўра, 18 ёшгача бўлган болаларнинг маданий мерос объектларига, жумладан, кўргазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига тўловсиз кириш тартиби жорий этилади.

### Таълим тизими ислоҳоти



2023 йил 1 сентябрдан ҳар бир туман (шаҳар)даги биттадан мактабда ўқувчиларни 2 та хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш амалиёти йўлга қўйилади. 1-4-синф ўқувчиларига бошланғич, 5-9-синфларида таянч ҳамда 10-11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган билимларни беришга йўналтирилган ўқув дастурлари жорий этилади. Бошланғич синфларда информатика фани, ўрта синфларда эса ўқувчиларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган дарслар йўлга қўйилади. Барча фанлар бўйича амалий машғулотлар улуши 60 фоизга етказилади.

### Давлат органлари тўлиқ электрон шаклга ўтади




«Рақамли ҳукумат» тизими доирасида ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий аппаратлари қоғозсиз иш юритишга ўтиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими негизида ишлаб чиқилган «edo.ijro.uz» модули орқали электрон ҳужжат айланиш тизимига ўтказилади. Шунингдек, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ахборот тизимларида «Рақамли ҳукумат» тизимининг ягона идентификаторлари ҳамда маълумотномалар ва таснифлагичлар регистри ахборот тизимида жойлаштирилган ягона умумдавлат маълумотномалар ва таснифлагичлардан фойдаланишлари шарт бўлади.

### «Дом»даги қўшимча қурилмалар текширилади



Республиканинг сейсмик фаол зонасида жойлашган сейсмик хавфсизлиги III-IV тоифага кирувчи кўп квартиралар уйларидаги умумий фойдаланиладиган жойларда (зинапоё йўлаклар, чордоқ ва умумий фойдаланишдаги ошхоналарда) ўзбошимчалик билан қурилган конструкциялар, шу жумладан, кўп квартиралар уйларидаги, шу жумладан, уларнинг ертўла ва биринчи қаватидаги зилзилабардошликка таъсир қилувчи конструкцияларга ўзбошимчалик билан киритилган ўзгаришлар аниқланади.

### Судланганлик ҳақида онлайн маълумот олиш мумкин



Судланганлик муддатининг ўтиб кетгани ёки судланганликнинг олиб ташланиши ҳақидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг «Тезкор маълумотлар» ягона ахборот тизимида автоматик равишда онлайн шаклантирилади. Судланганлик муддатининг ўтиб кетгани ёки судланганликнинг олиб ташланганлиги ҳақидаги маълумотнома судланганлик муддати тугаган ёки судланганлик олиб ташланган сананинг эртасидан кечиктирмасдан тегишли шахснинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига автоматик равишда бепул юборилади.

### ШУНИНГДЕК:

➤ Бюджет ташкилотлари куёш батареялари ўрнатишга мажбур бўлишади. 2026 йилга қадар уларнинг бинолари энергия истеъмолининг 60 фоизи «яшил энергия»га босқичма-босқич ўтказилади.

➤ Юридик олийгоҳ талабаларига ишлашга рухсат берилади. Бунда битирувчи талаба-юристар ўқишдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида ишлаши мумкин.

➤ Экология вазирлигининг стипендияси жорий этилади.

➤ Айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича хабар берганлик учун пул мукофоти берилади. Энергетика вазирлигининг махсус ахборот тизимига электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахслар пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

\*\*\*  
➤ «Ёнғиндан огоҳлик» умуммиллий кампанияси амалга оширилади. Унинг доирасида таълим ташкилотларида ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин содир бўлган вазиятда ҳаракат қилиш бўйича батафсил услубий машғулотлар ўтказилади. Ташкилотларда иш жойларида ёнғин хавфсизлиги бўйича ўқиш ташкил этилади.

### ВАЗИЯТ

## Нодавлат университет ёпилса, талабалар нима қилади?

Хусниддин МУҲИДДИНОВ,  
Паркент туманидаги «Наврўз» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизда яшовчи 10 нафардан зиёд йигит-қиз бу йил талаба бўлди. Уларнинг аксарияти давлат олийгоҳларига ўқишга кирган бўлса, айримлари нодавлат олий таълим муассасаси талабасига айланди. Айтилган, хусусий университетлар дипломи ҳам давлат ОТМлариники каби ўтади? Агар қандайдир сабаб билан нодавлат ОТМ фаолияти тугатилса, у ердаги талабалар тақдири қандай бўлади?



Сардор МАҚСУДОВ, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бўлим бошлиғи:

— Аввало, саволнинг биринчи қисмига жавоб бериб ўтсак. Қонунчиликда нодавлат таълим ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми, уларни ташкил этиш тартиблари белгилаб қўйилган. Бу каби таълим ташкилотлари ўз фаолиятини лицензия асосида олиб боради. Нодавлат таълим ташкилотларида давлат стандартлари асосида ўқиш ташкил этилса, давлат намунасидаги диплом бера олиши мумкин. Лицензия асосида ишлаётган хусусий ОТМнинг дипломи Ўзбекистонда тан олинмаган таълим ҳужжати бўла олади.

Энди саволнинг иккинчи қисмига — айрим сабабларга кўра нодавлат ОТМ фаолияти тугатилса, талабалар тақдирини нима бўлади? 2023 йил 3 июлда «Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида

давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, давлат ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тизими жорий этилиши белгиланди. Комплекс давлат аккредитацияси ҳар 4 йилда таълим ташкилотларини ташқи баҳолаш натижалари асосида ўтказилади ва комплекс давлат аккредитациясидан ўтмаган таълим ташкилотига аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун 6 ойгача муддат берилади. Аниқланган камчиликларни бартараф этмаган таълим ташкилоти фаолиятини тугатиш (лицензиясини бекор қилиш) ёки таълим дастурини ёпиш тўғрисида

қарор қабул қилинади. Демак, таълим ташкилотларининг фаолияти тўхтатилишига мана шу сабаб асос бўлиши мумкин.

Хўш, юқоридаги асос бўйича, дейлик, хусусий ОТМлар фаолияти тўхтатилса, талабалар нима қилади? Юқоридаги Президент қароридан лицензиясини бекор қилинган таълим ташкилоти ёки ёпилган таълим дастурида тахсил олаётган талабаларга ўқишини давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг мос ва турдош таълим йўналишлари ва мутахассисликларига белгиланган тартибда кўчириш ҳуқуқи берилиши назарда тутилган.

Яъни фаолияти тўхтатилган ОТМларда тахсил олаётган талабалар бу ҳолатда ўқишини йўналишига тўғри келадиган бошқа ОТМларга кўчириши мумкин.

## ИМКОНИАТ

Баҳриддин АБРАЕВ,  
Дехқонобод туманидаги  
«Оқтош» маҳалласи раиси:

— Маҳалламиз тоғ ҳудудидида жойлашган, туризмни ривожлантириш имконияти мавжуд. Бизда тоғ туризмни йўлга қўйиш учун шароит бор. Хусусан, отлар, туяларда сайр қилиш, тоғ чўққисига кўтарилиш-каби йўналишларда туристик хизматларни йўлга қўйиш мумкин. Айтилган, «Туризм маҳалласи» мақомини олиш учун қандай талабларга жавоб бериш керак? Кимга мурожаат қиламиз?



## «Туризм маҳалласи» мақомини қандай олсак бўлади?»

Аббос МУҲИТДИНОВ, «Туристик хизматларни сертификатлаш маркази» давлат унитар корхонаси бўлим бошлиғи:

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар йиғинларига «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ва «Туризм овули» мақомини бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, бундай мақом фуқаролар йиғинларига ҳудуднинг мавжуд табиий, тарихий-маданий ресурслари ва хусусиятларидан келиб чиқиб берилди.

Фуқаролар йиғини «туризм маҳалласи» мақомини олиши учун ҳудудда камида 20 та оилавий меҳмон уйлари мавжуд бўлиши, туристларга камида 5 та сифатли туристик хизматлар тақдим этиш, экологик (геотуризм), агротуризм (қишлоқ), этнографик, маданий ва тарихий туризм турларидан бирини ташкиллаштириш имконига эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, йиғинда қў-

шимча кўнгилочар шарт-шароитлар (отлар, туялар, велосипедлар, квадрацикллар, қайиқлар, катамаранлар ва бошқалар ижараси) бўлиши, зарур инфратузилманинг мавжудлиги (автомобиль йўллари, транспорт алоқаси, алоқа воситалари, ичимлик сув, электр энергияси, Интернет, совуқ мавсумда иситиш тизими), йил давомида туризм хизматлари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ташриф буюришдан олдин туристлар томонидан оилавий меҳмон уйлари учун жойларни брон қилиш ва туристик хизматларга буюртма бериш имкониятининг бўлиши талаб этилади.

«Туризм маҳалласи» мақомини олиш учун «Туристик хизматларни сертификатлаш маркази» давлат унитар корхонасига почта орқали ёки электрон шаклда ари-

за топширилади. Аризага ариза берувчи тўғрисида маълумотлар (Ф.И.О., алоқа маълумотлари), фуқаролар йиғинининг номи, ҳудудда курсатиладиган туристик хизматлар тўғрисида маълумотлар илова қилиниши керак.


Бундай мақомни олган фуқаролар йиғинлари «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига биринчи навбатда киритилади. Туристларга бепул хизмат кўрсатадиган аҳоли ва ходимлар туристларга хизмат кўрсатишининг замонавий услубларига мувофиқ ўқитилади. Фуқаролар йиғини ҳудуди оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бепул тарғиб қилинади. Бундай мақомни олган фуқаролар йиғини вилоятнинг туристик йўналишларига биринчи навбатда киритилади.

## ДИНИЙ-МАЪРИФАТ

Шакар ТОЖИЕВА,  
Чилонзор туманидаги «Боғзор» маҳалласи раиси:

— Бугун барча маҳаллаларда йирик савдо марказлари, дўконлар фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти савдо қилинган учун тўланган сумманинг маълум қисмини кэшбек сифатида қайтарди. Худди шундай, тўлов операторлари, иловалар орқали ҳам тўловлар учун 1-3 фоиз атрафида сумма қайтарилди. Маҳаллага айрим фуқаролар мурожаат қилиб, мазкур кэшбеклар бўйича динда нима дейилган, улар ҳалолми, деган саволни қўймоқда. Шу ҳақда маълумот берсангиз...

## Тўлов учун қайтарилган кэшбек ҳалолми?



Мазкур савол билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво марказига мурожаат қилдик. Марказ масъулари бу масала бўйича қуйидагиларни маълум қилишди:

— Кэшбек фоиз, фоиз шариятимизда ҳаром деган гап нотўғри. Чунки «фоиз» сўзи молия соҳасига оид атама бўлиб, «улуш, ҳисса, қисм» деган маъноларни англатади. Фоиз атамасини жуда кўп ўринларда ишлатамиз. Масалан, «закотга қодир инсон қўлидаги молининг 2,5 фоизини фақирларга беради», деймиш. Бу дегани қўлидаги молини қирқдан бир улшини ёки қисмини беради, дегани бўлади. Ёки икки киши савдо қиламиз, деб пул тикиши. Фойдани масалан, 50 фоиздан, яъни 50/50 олаемиз, деб келишади. Бу келишув мумкин эмас, дейилмайди. Яна бир мисол: мерос тақсимлашда ҳам майитдан қолган мол-мулкни тақсимлашда кимдир 20 фоизини, яна кимдир 40 фоизини олади.

Демак, юқорида келтирилган мисолларга ўхшаган масалаларда фоиз сўзини ишлатишда ҳеч қандай муаммо ёки шаръий таъқиқ йўқ.

Чунки бу ишда ғарар (алдов) ҳам, рибо ҳам топилмайди. Масалан, Аҳмад исми киши кийим сотиб олиш учун супермаркетга борди. Супермаркетга кирса, сотувчи «Ким биздан битта кийим сотиб олса, яна битта қўшиб берамиз ёки қилган тўловидан шунчасини қайтиб берамиз», деб эълон қилди. Бу нарса ҳалол ҳисобланади.

Хозирги кундаги ислом молияси бўйича кўзга кўринган олим Муҳаммад Тақий Усманий «Фиқҳул буюъ» китобида буни ҳада деб атаган: «Айрим савдогарлар маълум миқдорда маҳсулотларини сотиб олган харидорларга мукофот, бонус бериш одати жорий бўлган. Бу мукофотларни гоҳида қуръа ташлаш йўли орқали беради. Савдогар бу ишни қилишдан мақсади одамларнинг маҳсулотини кўпроқ сотиб олишлари учун қизиқтириш мақсадида қилади. Бу савдогар томонидан ваъда қилинган инъом, ҳада ҳисобланади».

Кэшбек ҳақида Ҳиндистон Дорул-улулм фатво марказида қуйидагича савол-жавоб келтирилган:

— «Масалан, бирор нарсани онлайн сотиб олинганда, кэшбек берилади. Бу жоизми?»

— «Бу пуллар рағбатлантирувчи мукофот бўлиб, олиш жоиз». Хулоса қиладиган бўлсак, турли иловалар орқали бериладиган ғарар (алдов) ва рибо аралашмаган кэшбекни мукофот ёки бонус, деб тушуна бўлади ва буни олиш жоиз.

## БИЛАСИЗМИ?

## Чорвачиликка қўшимча субсидиялар берилди

«Чорвачиликка идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Бунда 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, 2025 йил 31 декабрга қадар давлат томонидан қуйидаги тартибда субсидия ажратилади:

• чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга хоризжий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг

ҳар бир бошига 2 млн сўм, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига 400 минг сўм миқдориди;

• паррандачилик хўжаликларига ҳар бир бош 1 кунлик наслдор жўжани импорт қилиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг 15 минг сўмини қоплаш учун.

Шунингдек, пахта ва ғалла экин майдонларини қисқартириш ҳисобига ҳар бир туманда камида 100-150 гектар ер майдонлари чорвачиликка озуқабоп экинлар экиш учун ажратилади.

Қарорга кўра, Ўзбекистонда ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизими қуйидаги 2 босқичда жорий қилинади:

1-босқич — 2023–2024 йилларда чорвачиликка ихтисослаштирилган 25 та туманда. Ушбу туманларда ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизимини жорий қилиш бепул амалга оширилади;  
2-босқич — 2025–2026 йилларда республиканинг қолган туманларида.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан давлат  
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир  
**Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**  
Ижодий гуруҳ:  
**Санжар ИСМАТОВ,**  
**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,**  
**Мансурбек ЖАББОРОВ**  
Дизайнер:  
**Абдулазиз АҲМЕДОВ**

**Mahalla**  
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий  
газета

МУАССИС:  
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳ кўчаси, 59-уй.  
Индекс: 100192  
Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Обуна бўлими: 71 233-10-92.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Ўлчами — А3, 4 босма табоқ.  
**7 910 нусхада чоп этилди.**  
Буюртма №: Г-918  
Газета тахририят компьютер марказида  
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

